

Xabar

3
(800) son

18-yanvar

www.xabar.uz
xabar@uzpak.uz
orif@infonet.uz

2008

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan

● Алоқа оламида: **ЭНГ СЎНГГИ ЯНГИЛИК!** ●

Mobile World Congress 2008 кўргазмаси ташкилотчиларининг маълум қилишларича, Google компанияси феврал ойида Барселонада Android мобил платформаси асосида ишловчи илк қурилмаларини намойиш этиши мумкин.

Компания вакиллари аввалроқ Android-телефонларни жорий йилнинг иккинчи ярмида савдога чиқаришни режалаштиришаётганини маълум қилишганди. Android-телефон ишлаб чиқарувчиси бўлишга илк номзод сифатида HTC компанияси кўрилмоқда. Бироқ Google Motorola ёки Samsung таклифини кўриб чиқиши ҳам мумкин.



УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТ!

Бугун вируслар келтирадиган зарарни аниқ ҳисоб-китоб қилишнинг имкони йўқ. Оддий мисол: орамызда компьютердан доимий фойдаланувчилар ичида вирусдан азият чекмаган бирор киши бўлмас керак. Компютеримизнинг ўз-ўзидан ишдан чиқиши, маълумотларнинг йўқолиши, экраннинг тез-тез қотиб қолиши, шрифтларнинг ўзгариб кетиши... буларнинг барчаси аксарият ҳолларда вирус таъсирида юзага келадиган ҳолат. Бу нафақат ишимиз самарасига таъсир кўрсатади, балки асабла-римизни ҳам издан чиқаради. Қолаверса, сезиларли даражада моддий зарар еткази.

3-БЕТ ➔

Ушбу сонда

Nokia Siemens Networks
Ўзбекистонда

2-БЕТ

Университетда
байрам

4-БЕТ

Итоги и планы

6-БЕТ

Дунёни ўзгартирувчи
беш технология

11-БЕТ

Шерободда
шаҳобчалар кўпаяди

12-БЕТ

Жазо
(Саргузашт-детектив)

13-БЕТ

Руслан Чагаев:
ЖАНГА ЮЗ ФОИЗ
ТАЙЁРМАН

15-БЕТ



O'ZBEKISTON - ROSSIIYA QK
SUG'URTA - KOMPANIYASI

Кенг қамровли
суғурта хизматлари

tel: (+998 71) 173-80-05, факс: (+998 71) 173-80-06



UzNet
Internet Service Provider
— сифат рамзидир



— юқори тезликдаги уй Интернети

JUMADAN —
JUMAGACHA

Йил якунларига бағишланди



✓ Тошкентда 16 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш маросими бўлиб ўтди.

Қўшма мажлиси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов очди. У 2007 йил 23 декабр куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида Ислоом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганини қайд этди. Марказий сайлов комиссияси раиси залда ҳозир бўлганлар ва сайловчилар номидан Ислоом Каримовни юқсак ва масъулиятли лавозим — Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлангани билан қизгин табриклади ва Ислоом Каримовга Ўзбекистон Республикаси Президенти гувоҳномасини топширди. Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президент Ислоом Каримов нутқ сўзлади.

✓ Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Ислоом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табриги чоп этилди.

✓ “Туркистон” саройида 11 январ куни Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Қуролли Кучларимизнинг 16 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига байрам табригини Президентнинг Давлат мадҳиятчисси Х.Султонов ўқиб эшиттирди. Тантанали йиғилиш катта байрам концерти билан якунланди.

✓ Матбуотда “Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматининг давлат чегараларини ҳимоя қилиш кўмитаси чегара катерлари алоҳида базасини Жалолиддин Мангуберди ордени билан мукофотлаш тўғрисида”ги ҳамда “Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, муҳофаза ва фавқулодда вазиятлар вазиликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари эълон қилинди.

✓ Алишер Навоий ҳазратлари таваллудининг 567 йиллиги арафасида Франциядаги ўзбек мумтоз шеърининг ихлосмандлари “Editions Georama” нашриёт уйдан ажойиб совға олдилар — “Навоий газаллари” тўплами француз тилида нашр этилди.

Китоб икки жонбоз ташкилотчи — Самарқанд давлат университетининг профессори Мурод Эргашев ҳамда француз саяхатчи-санъатшуноси Жан Жак Гатэ ихждий ҳамкорлигининг маҳсули сифатида дунё юзини кўрди. “Editions Georama” нашриёт уйи “Навоий газаллари” тўплами билан бирга “Ўзбек халқ мақол ва маталари” тўламини ҳам француз тилида чоп этди.

✓ 2007 йили самарали фаолият кўрсатган маданият, санъат ва спорт намояндаларини шарафлаш маросими бўлиб ўтди.

Ўтган йил якунларига кўра, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат Академик катта театри “Йилнинг энг фаол театри”, “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармаси “Ўзбекистон ёш истеъодларининг кашфиётчиси” номинацияси бўйича ғолиб топилди. Футбол бўйича Ўзбекистон “Байналмиллий” номи билан жамғармаси “Йилнинг энг кучли спорт жамоаси”, “Sen Yolg'iz Emassan” республика жамоатчилиги болалар жамғармаси “Ёш спортчиларни қўллаб-қувватловчи энг фидойи жамғарма”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси “Йилнинг энг яхши маданият ва санъат тарғиботчиси” номинацияси бўйича ғолиб деб топилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР МАСАЛАЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ 2007 ЙИЛДАГИ ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЯКУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралда ўтган мажлисидаги “Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш — фаровон ҳаётимиз гаровидир” маърузасида ва ушбу йиғилиш баёнида белгиланган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Бунда Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплекси соҳаларининг 2007 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, ахборот-коммуникация технологияларининг вазирилик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этилишининг аҳоли, комплекс таркибига кирувчи идора ва ташкилотлар томонидан 2008 йилнинг биринчи чораги прогноз кўрсаткичларини бажариш юзасидан кўрилатган чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиш суръатларини таъминлаш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқур-

лаштириш, норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини кучайтириш, хизматлар турларини кўпайтириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилди.

2007 йил натижалари бўйича комплекс таркибига кирувчи соҳалар томонидан 906,49 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди, 2006 йилнинг шу давридагига нисбатан 145,4 фоизга ўсишга эришилди.

Йиллик экспорт режаси ортиги билан, яъни 120 фоиз бажарилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 284,01 миллиард сўм (218,47 миллион АҚШ доллари) ўзлаштирилиб, йиллик режа 163,5 фоизга уфдаланди. Бунда тўғридан-тўғри жалб қилинган чет эл инвестициялари улуши

94,4 фоизни, яъни 206,3 миллион АҚШ долларини ташкил қилди.

Вазирилик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларининг жорий этилишини янада чуқурлаштириш, интернет тармоғида ахборот ресурсларини кўпайтиришни таъминлаш, электрон ҳужжат айланишини кенг йўлга қўйиш масалаларига алоҳида аҳамият берилди.

Йиғилишда мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида олиб борилётган ишлар таҳлил этилиб, келгусида бу йўналишда меъърий-ҳуқуқий базани янада мустаҳкамлашга, амалдаги қонунчилик талаблари бажарилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, комплекс таркибдаги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан кўрсатмалар берилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

ЎЗА

НАМКОРЛИК УФҚЛАРИ



ЎЗБЕКИСТОНДА

16 ЯНВАР КУНИ ТОШКЕНТДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА NOKIA SIEMENS NETWORKS КОМПАНИЯСИ ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ УЧУН МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ.

Журналистлар Ўзбекистон бозорига кириб келадиган мазкур компания фаолияти ва унинг телекоммуникациялар саноатининг келгусидаги ривожига доир стратегияси билан яқиндан танишди, мамлакатимизда мобил алоқадан фойдаланиш истиқболлари хусусида компания мутахассислари билан ўзаро фикр алмашишди.

Маълумки, 2007 йилнинг ноябр ойида Coscom компанияси умуммиллий мобил алоқа тармоғи учун Nokia Siemens

Networks билан икки йилга мўлжалланган шартнома имзоланди. Амалдаги тармоқни янгилаш ҳамда қоплаш доираси ва ўтказиш тезлигини ошириш ишларига 152 миллион АҚШ доллари миқдоридан сармоа софлаш режалаштирилган.

Nokia Siemens Networks тадқиқотларига кўра, 2015 йилга бориб 5 миллиард киши “доимий алоқа”да бўлади, улар ўзлари хоҳлаган хизматлардан истифода пайтида, исталган жойда ва исталган қурилма воситасида фойдалана оладилар. Уз навбатида, маълумот узатиш технологияларига бўлган талаб кескин ошиб, улар янада шитооб билан ривожлана бошлайди.

— Буюртмачилар ишончини қозониш орқали Ўзбекистон бозорига мустаҳкам мавқе

эгаллаш ниятидамыз, — дейди “Nokia Siemens Networks Тошкент” МҲЖ бош директори Бахтиёр Мўминов. — Аънавий ва мобил алоқа хизматлари кўрсатувчи аксарият операторлар миқдорларимиз ҳисобланади, улар учун кенг турдаги хизматлар кўрсатиш ва маҳсулотлар етказиб беришга имкониятларимиз етарли. Чет эллик мутахассислар Ўзбекистон телекоммуникациялар бозори истиқболини юқори баҳолашяпти ва шунга монанд равишда ҳозирданок абонентларнинг ўсиб бораётган талаб ва эҳтиёжларини ўрганган ҳолда ҳаётга жорий этиладиган режалар устида иш олиб бориляпти.

Матбуот анжуманида Nokia Siemens Networksнинг Туркия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё бўлими бошлиғи Шашанк Кумар, компаниянинг буюртмачилар билан ишлаш бўйича бўлимлари раҳбарлари — Мурат Кирчувал, Микко Юла-Катуу ва бошқалар қатнашишди.

Собит АҲАДОВ,
“Xabar” мухбири

АХБОРОТ ХАВФСIZLIGI

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Компютер эраси бошланиш арафасида, ҳали ҳисоблаш машиналари фақатгина айрим давлат органлари мулки бўлиб турган пайтда ҳаммаси тинч ва осуда эди. Вирус яратиш каби аҳмоқона ишлар билан шуғулланиш бирор бир муҳандиснинг ҳаёлига келмаган ҳам эди. Шусиз ҳам уларнинг иши бошидан ошиб ётарди. Бироқ ўтган асрнинг 70-йилларида компютерлар аҳоли орасига ҳам ёйила борди. 90-йиллар ўрталарига келиб, компютер ҳар бир замонавий компаниянинг муҳим иш куралига айланди, компютер саводхонлиги эса ёзиш ва ўқиш каби ҳаётий заруратлар каторига кўшилди. Компютерлардан миллионлаб кишилар фойдаланиш имконига эга бўлди. Интернет деб номланувчи бутунжаҳон ўргимчак тўри эса уларни саноксиз алоқа каналлари орқали ўзаро боғлади.

Катта микдордаги фойдаланувчиларнинг ҳаммасидан ҳам жамият учун фойда кутиш қийин. Бугунги кунда ўн минглаб турли ёшдаги ва турли қарашларга эга бўлган хакерлар бутунжаҳон кибероламида изғиб юрибди. Улар компютер тизимларини ишдан чиқаришмоқда, махфий ахборотларни ўғирлаб, банкдаги ҳисоб-рақамларни ўзлаштириб, маълумотларни йўқотишмоқда. Компютер вируслари ушбу ғаразли мақсадларга эришиш йўлида энг кенг тарқалган воситага айланди.

Тўхтовсиз вирус ҳужумлари глобал иқтисодийнинг бир маромда ривожланишини хавф остига солиб қўйди. Information Week таҳлил маркази маълумотида кўра, 2000 йилдаёқ хакер ва вирусларнинг жаҳон ҳўжалигига етказган зарари 1,6 триллион долларни ташкил этган. Бу кўрсаткич йилдан йилга ўсиб, ақл бовар қилмас даражага етмоқда.

Вирус ўзи нима? Ҳозирги кунда компютердан фойдаланмайдиган кишилар ҳам у ҳақда керагича маъ-

лумотга эга бўлишган. Чунки бу мавзу Холливууд блокбастерларининг асосий мавзусига айланиб бормоқда. "Вирус" тушунчаси тиббий атамдан кўра, кўпроқ компютер атамасига айланиб қолди. Компютер вирусидан кўрқиб инсонлар орасида фобия даражасига кўтарилди. Бундай ҳолат унга қарши курашишни янада қийинлаштиради. Компютеримизга вирус тушганида ваҳима остида ундан ҳам кўра кўпроқ ўзимиз зарар етказамиз: дастурий таъминотни алмаштирамиз, винчестерларни форматлаштирамиз ёки уларнинг янғисини ўрнатамиз ва ҳоказо. Лекин бу ҳаракатларимиз вирусдан сақланишимизни таъминламайди. Аслида, вирус у даражада хавфли бўлмаслиги ҳам мумкин. Вирус – оддий компютер дастури. Унинг мақсади компютерингизда жойлашиб олиш ва ўз нусхаларини тарқатиш. Унга қарши ҳар бир компютер фойдаланувчиси индивидуал курашиши зарур. Аввало, бундай зарарли дастурлар ҳақида маълумотга эга бўлиш лозим. Биринчи навбатда улар қайси йўл билан тарқалишидан хабардор бўлмоғимиз керак. "Касаллиқни даволашдан кўра унинг олдини олган маъқул", деган қоида компютерларга ҳам ўз фоида тўғри келади.



КОМПЮТЕР ВИРУСЛАРИ ЎТА ХАВФЛИ! УЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТ!

Биз умумий қилиб "вирус" деб атайдиган зараркунанданинг бир неча турлари мавжуд:

- Чувалчанглар (Worms);
- Вируслар (Viruses);
- Троян дастурлари (Trojans);
- Реклама-дастурлар (Adware);
- Айқоқчи-дастурлар (Spyware);
- Муайян хавфли иловалар (Riskware);
- Ҳазил-дастурлар (Jokes);
- Руткитлар (Rootkit).

"Чувалчанглар" вируслардан фарқли равишда ўз-ўзидан кўпайиш имкониятига эга эмас, аммо ўзини автомат равишда электрон почта ва бошқа маълумотлар узатиш каналлари орқали жўнатиш хусусиятига эга. "Троянлар" эса уни-

сени ҳам бунисини ҳам қилишмайди – улар атайлаб қандайдир манфаат кўриш мақсадида жўнатилади ва сизнинг компютерингизга кириб олганидан сўнг ҳар хил "қилиқлари"ни бошлайди. "Чувалчанг" ва "Троянлар" электрон почтадан химиясиз фойдаланувчилар, чат ва танишув сайтлари фанатларини осонгина қармоғига илинтиради. Реклама-дастурлар, айқоқчи-дастурлар, муайян хавфли иловалар, ҳазил-дастурлар, руткитлар эса интернетда тартибсиз "саёҳат қилувчи"лар ва ҳар хил ўйин, қизиқарли дастурлар кўчириб олувчиларни нишонга олади.

Албатта, бугунги кунда қайсидир зарарли дастурни "тоза" вирус, "чувалчанг" ёки "троян"га ажратиб бўлмайди. Улар вақт ўтган сайн мукамаллашиб, икки ёки уч шакл хусусиятларини жамлаган мураккаб дастурларга айланиб борапти.

Вирус яратувчилари турли тоифаларга бўлинади. Биринчиси, мактаб ёшидаги болалар, иккинчиси талабалар, учинчиси маълум ғаразли мақсадни кўзлаган профессионал компютер мутахассислари. Биринчи ва иккинчи тоифадагилар тузган вируслар кўпроқ билимсизликдан келиб чиққан ярим-чала ва ўзининг кучлигини исботлаш ниятида қилинган ишлардир. Бу вирусларнинг тармоққа зарари у даражада юқори эмас. Учунчи тоифа вакилларининг "ишлари" жиддий хавф туғдирадиган вируслардир.

Қандай химояланиш керак? Бунинг учун тармок маъмуридан тортиб, оддий фойдаланувчигача маълум даражада билим талаб этилади. Энг асосийси – эҳтиёткорлик ва антивирус дастурларини тўғри ишлатиш.

Антивирус дастурларини ишлатишнинг асосий қоидаларидан бири унинг базасини доимий равишда янгилаб боришдир. Вақт ўтиши билан бу нарса аксарият фойдаланувчиларнинг жониға тегади. Натижада антивирус базаси янгилашиши тўхтатилади, химоя кучсизланади ва вирусларга ажойиб имконият яратилади (улар бу имкониятни кўлдан чиқаришмайди). Антивирус яратувчилари ҳар куни тармоққа тушаётган саноксиз вирусларни ушлаб, ўрғанади ва уларни аниқлайдиган ҳамда йўқ қила оладиган дастур тайёрлаб, уни базага киритади. Агар сиз ушбу янги маълумотларни юклаб олмасангиз, янги пайдо бўлган вирус компютерингизга осонликча жойлашиб олади. Шунинг учун антивирус базасини янгилаб боришдан қочмаслик керак. Бу фойдаланувчининг вируслардан маълум даражада химояланиши учун энг осон йўл.

Сиз ушбу сатрларни ўқийётган бир пайтда дунёнинг бирор бурчагида кимдир навбатдаги вирусни тармоққа киритиш билан банд. Сизнинг ҳам ушбу вирус қурбониға айланмаслигингизга ҳеч ким қафолат бера олмайди. Бу сафар бўлмаса, кейинги сафар у сизга панд бериши мумкин. Шундай экан, шахсий бўладими ёки корхона даржасидами, ахборот хавфсизлигини таъминлашга сиз ҳам алоқадор ва масъулдирсиз!

Лутфилло ТУРСУНОВ

Мавзу доирасида:

Яқинда Электрон бошқарув бўйича марказнинг мажлислар залида бўлиб ўтган "Ахборот хавфсизлиги ва антивирус дастурлари муҳофазаси воситаси сифатида" ўқув-семинарида ҳам шу ҳақда гап борди.

Семинар Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Ўзбекистон ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари ассоциацияси кўмагида антивирус дастурларини ишлаб чиқарувчи йирик компанияларнинг расмий дистрибютори "USD Micros" компанияси томонидан ташкиллаштирилди.

Ўқув-семинарни олиб борган "USD Micros" компанияси мутахассиси Чингиз Качиев ахборотни муҳофазаси қилиш муаммолари ва унинг ечимлари, хавф турлари, антивирус дастурлари жорий этишининг афзалликлари каби масалаларга батафсил тўхталиб ўтди.

Ишчиларга турли антивирус дастурларининг вирусни топиш бўйича имкониятлари намойиш этилди. Махсус папкада йиғилган 100та вирус қидирилганда, Касперский антивируси – 97та, Dr.Web – 96та, NOD32 – 95та вирусни аниқлади ва йўқ қилди. Албатта, бунисбий кўрсаткич. Сабаби, антивирус базалари ҳар сафар турли даражадаги имкониятга эга бўлади. Аниқроғи, базаларнинг тезкор янгилашиши кўп нарсани ҳал қилади. Янги чиққан вируслар ҳақидаги маълумотлар бир сафар бир антивирус компаниясида биринчи бўлиб тайёрланса, бошқа сафар иккинчи компания томонидан тезроқ тайёрланади. Шундай бўлса-да, Чингиз Качиевнинг таъкидлашича, бизда мавжуд бўлган антивирусларнинг энг ишончли ва синовдан муваффақиятли ўтганлари айнан юқорида келтирилган дастурлар ҳисобланади. Албатта, ушбу антивирус дастурларининг "қўлдан" арзонга сотиб олинган вариантлари ҳақида бундай фикр билдириб бўлмайди...

XALQARO HAYOT

ҚУРБОНЛАР СОНИ КАМАЙМАЯПТИ

Афғонистондаги Халқаро хавфсизлик кучлари таркибида хизмат қилаётган канадалик ҳарбийлар Қандадор музофотида миғнага дуч келишган. Маҳаллий телеканал тарқатган хабарда айтилишича, "Толибон" тартибидан буён бу мамлакатда 77 канадалик ҳарбий хизматчи ва бир дипломат қурбон бўлган.



"Толибон" ғуруҳи билан тўқнашув натижасида икки нафар Голландия ҳарбийси ҳам ҳалок бўлди. ОАВ хабарига кўра, аскарлар Деҳраовот шаҳри яқинида жангарилар пистирмасига дуч келишган. Айна дамда Афғонистонда 1650 нафар голландиялик ҳарбий хизмат қилмоқда. Кейинги икки йилда Голландия афғон юртида ўзининг 14 нафар ҳарбийсидан айрилди.

ЛИВАНДА ПОРТЛАШ

Ливан пойтахти Байрутда Америка элчихонаси автомобили портлаши натижасида тўрт ливанлик ҳалок бўлган.

АҚШ давлат департаменти матбуот котиби Шон Маккормакнинг хабар беришича, бу пайтда автомобилда америкалик дипломат ҳам, фуқаро ҳам бўлмаган. Элчихона ходимларига ҳеч қандай зарар етмаган, фақат автомобилнинг ливанлик ҳайдовчиси энгил жароҳатланган ва шифохонага ётқизилган.

Ливан ҳукумати маълумотига кўра эса портлаш уч кишининг ҳаётига зомин бўлган, 16 нафарга яқин одам жароҳатланган, уларнинг бири америкалик. Мамлакат махсус хизмати мутахассислари портлаш айнан америкалик дипломатларга қарши уюштирилган, деган фикрда.

BMW X3 – ЗҲР МАШИНА!

Германиянинг ADAC автомобил клуби автомобилларнинг ишончилиги буйича йиллик рейтингини эълон қилди.



Рўйхатга кўра, 2007 йил яқунлари буйича етакчи ўлиқка бирорта ҳам Тойота кира олмаган. Ҳолбуки, аввалги йилларда Тойота энг

яхши (масалан, 2005 йили Avenis, 2006 йилда эса Yaris энг ишончли машина)лар қаторидан жой олган эди.

ADAC ишлаб чиқарилганига олти йилдан ошмаган автомобилларни баҳолаган. BMW X3 кроссовери энг ишончли автоулов сифатида тан олинди. Иккинчи ўринни Audi A2, учинчи ўринни эса 1-туркум BMWси банд қилди.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҲАҚИДА ТЕЗКОР МАЪЛУМОТЛАР

АҚШ Федерал қидирув бюроси миллионлаб одамларнинг биометрик маълумотларини ўзида жамлаган бутунжаҳон маълумотлар базасини яратишни режалаштирмоқда.

ОАВнинг ёзишича, ФКБ ушбу мақсадни амалга оширишда Буюк Британия, Канада, Янги Зеландия ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. ФКБ вакилининг айтишича, маъзур база жиноятчилар ҳақида тезкор маълумотлар олиш имконини беради.

Интернет материаллари асосида
У.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

"ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ" АК РАҲБАРИЯТИДА ЎЗГАРИШ

2008 йил 11 январь куни "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори, компаниянинг Кузатов кенгаши раиси А.Арипов бошчилигида компания ижро аппарати ҳамда филиалидаги янги раҳбар ходимларни лавозимларга тайинлашга бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Йиғилишда "Ўзбектелеком" АК ва филиаллари раҳбарлари, компаниянинг ижро аппарати, департамент ва бўлим бошлиқлари ҳамда ходимлари иштирок этдилар.

"Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари лавозимига илгари ЎзААА бўлим бошлиғи лавозимида ишлаган Жамол Тиллаевич Махсудов, бош директор ўринбосари лавозимига эса "Ўзбектелеком Мобайл" филиали директори лавозимида фаолият олиб борган Бахтиёр Мамарасулович Абдурасулов тайинланди.

Истиқлол йилларида замон талабларига мос миллий армиямиз шакллантирилди. Қисқа муддатда ҳарбий округлар, чегаравий ҳудудлар ташкил этилди. Куролли Кучларни бошқариш тизими, кўшилма ва қисмларнинг таркиби ва жойлашуви қайта кўриб чиқилди, кўшинларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларнинг замонавий курол-ярғон ва техника билан таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилди.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни ҳамда Куролли Кучларимизнинг 16 йиллигига бағишлаб "Туркистон" саройида ўтказилган тантанали йиғилишда юқоридаги фикрлар яна бир бор эсга олинди. Ҳарбий хизматда намуна кўрсатган бир ғуруҳ ҳарбийларимиз Юртбошимиз Фармонига кўра, орден, медал ва фахрий унвонлар билан тақдирланди. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучларимиз Олий Бош Қўмондони Ислон Каримовнинг Ватан ҳимоячиларига йўллаган байрам табригидаги "Куролли Кучларимизда олиб борилаётган ислохотларнинг энг муҳим амалий натижаси, ҳеч шубҳасиз, армиядаги ахлоқий-руҳий, маънавий муҳитнинг бутунлай янгиланганида яққол намоён бўлмоқда. Ҳарбий жамоаларда ҳарбий хизматчилар ўртасидаги муносабатлар ва энг асосийси, жамаиятда ҳарбий армияга ва ҳарбий хизматга нисбатан ёндашув ва қарашлар бутунлай ўзгарди. Энди-

ликда Куролли Кучлар сафида хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароси учун наинки конституциявий бурч, айна чоғда мамлакатимиздаги энг нуфузли касблардан бирига айланди, десак, асло муболаға бўлмайди", деган жумлалар барчани тўлқинлантириб юборди. Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам тантаналари, учрашув ва кечалар давом этмоқда.

Йигит омон бўлса, хавфу хатар йўқ,
Қалқон бор, қалъа бут, қўرғон саломат.

Балли, йигитлар!

Мамлакатимизда Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил этилганлигининг 16 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган тадбирлар давом этаётган бир пайтда "Ўзбектелеком" АК "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиали ва боғламаларида ҳам турли учрашувлар, давра суҳбатлари, маданий-маърифий тадбирлар ўтказилди.

Филиал Тарбиявий маърифат ва маданият фаолияти ғуруҳи ва касаба уюшмаси кўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган "Балли, йигитлар!" кўрик-танловида боғламалардан ташриф буюрган 10 нафар алоқачи йигитлар беллашдилар. Улар кўрик-танлов довомида техник саволларга жавоб бериш, миқозлар билан ишлаш, ҳаёт синовларига тайёрлиги, ўзининг қизиқишларини, жисмонан соғлом, ақлан теран, ҳар жиҳатдан чиниққан эканлиқларини намойиш этдилар. Уларнинг маҳоратларини баҳолаш ҳакамлар ҳайъатига осон кечмади, чунки ҳар ҳар иштирокчи танловга пухта тайёргарлик кўриб келганлиги аён бўлди.

Беллашувнинг ҳаяжонли дақиқаларини тадбир иштирокчилари интизорлик билан кутдилар ва ҳакамлар ҳайъати яқуний баҳоларни эълон қилди. "Балли, йигитлар!" кўрик-танловида биринчи ўринни филиал автожамланмаси ҳайдовчиси Аймбет Умирзақов, иккинчи ўринни Миробод телефон боғламаси электрончи-муҳандиси Улуғбек Куланов, учинчи ўринни эса Янгиобод телефон боғламаси электромонтёри Камолитдин Абдураимов эгалладилар. Қолган иштирокчиларга ҳам филиал раҳбарияти ва касаба уюшмаси кўмитасининг совгалари топширилди.

Тадбирда томошабинлар учун ҳам танлов ташкил этилди. "Энг фаол томошабин" номинациясида Собир Раҳимов телефон боғламаси ходими Лобар Дадамухамедова ғолиб бўлди ва унга ҳам совға берилди.

Ёшлар йилида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Тошкент шаҳар телефон тармоғи" филиалида ташкил этилаётган бундай тадбирлар алоқачилар қалбида Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, ҳарбий ватанпарварлик руҳини кучайтиришга хизмат қилиши аниқ.

Шоира ТУРСУНОВА,
"ТШТТ" филиали Тарбиявий маърифат
ва маданият фаолияти ғуруҳи бошлиғи



Тошкент ахборот технологиялари университетида ҳам 14 январь — Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган байрам кечаси бўлиб ўтди.

Университетда байрам

Ушбу тадбирда Куролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини мустаҳкамлашда, давлатимиз сарҳадларини кўриқлашда мардонлар меҳнат қилаётган ҳарбийлар, ТАТУ ҳарбий кафедраси ўқитувчилари, курсантлари ва талабалар иштирок этишди.

Бугун юртимиздаги тинчлик, осойишталик ва фаровонликда бу соҳа эгаларининг катта ўринлари бор. Ватанимиз ҳимоячилари ўз хизмат бурчларини огоҳлик ва сергаклик билан ўтаб, юртимиз, халқимиз, истиқлолимиз тақдирига бепарқ эмасликларини намоён этмоқдалар.

Ҳарбийларни қутлаш учун сўзга чиққан Тошкент ахборот технологиялари университети ректори, профессор Содикжон Қосимов, ҳарбий кафедра мудири Абдуқодир Абдуҷамиловлар Ватан барчамиз учун бирдай муқаддас, бирдай ардоқли эканлиги, уни кўз қорачигидай асраб-авайлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарзлиги ҳақида гапирдилар. Соҳада фаолият юритаётган ўқитувчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совгалари билан тақдирланишди.

Шунингдек, шу куни Сурхондарёнинг Узун туманида бўлиб ўтган террорчиларга қарши кураш чоғида мардларча ҳалок бўлган университетнинг собиқ талабаси Бобур Фаниев хотираси шарафига университетда жорий этилган Бобур Фаниев номидаги стипендия махсус факултет талабаси Николай Фисенкога топширилди.

Маҳфуза ЙҮЛДОШЕВА,
ТАТУ талабаси

Талабалар ва ҳарбийлар учрашуви

Қашқадарё вилоятидаги Сайидо Насафий ахборот-кутубхона марказида вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси ҳамкорлигида Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган "Ватанимиз посбонлари" мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирни ахборот-кутубхона маркази директори Клара Дўсёрова кириш сўзи билан очиб, юртимиз хавфсизлиги, унинг ҳудудий яхлитлиги ва сарҳадларимиз дахлсизлигини, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган ҳарбийларни касб байрамлари билан табриклади. Шундан сўнг сўз олган вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси

бошлигининг ўринбосари З.Муяссаров, бўлим бошлиғи Б.Эшмуродовлар Ўзбекистон Куролли Кучларининг салоҳияти ҳақида гапириб, ҳозирги кунда Куролли Кучларимиз сафларидеги хизмат қилиш давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси учун нафақат конституциявий бурч, балки мамлакатимизда орзу қилишга сазовор касбга

айланганлиги, соҳада олиб борилаётган ислохотлар тўғрисида атрафлича тўхталдилар.

Давра суҳбатида таклиф этилган Қарши иқтисодиёт ва қишлоқ хўжалиги коллежи талабалари ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар, ҳарбий ва ватанпарварликни мадҳ этувчи куй-қўшиқларини намойиш этдилар.

Шу кун марказда Ватан ҳимоячилари кунига бағишланган китоблар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.

Афтондил ИСМОИЛОВ,
"Хабар"нинг Қашқадарё вилоятидаги мухбири



Халқ қаноти

Бир соҳа мавжудки, ушбу соҳада ислохот ўтказмасдан ва модернизация қилмасдан туриб, ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти қуриш у ёқда турсин, ҳатто тинч ва барқарор ҳаётга эришиб бўлмайди. Бу ҳам бўлса мамлакат тинчлигини, халқ осойишталигини таъминловчи Куролли Кучлар, яъни ҳарбий соҳадир.

Ҳарбий соҳада ислохот ўтказишда Президентимиз И.Каримов авваломбор мустақилликни олий қадрият сифатида қадрлашга урғу берди. Юртбошимизнинг "Мустақиллик — бу аввало ҳуқуқдир. Яъни, ҳар қайси халқ ва жамиятнинг ўз кучи ва қудратига суяниб, ота-боболарнинг асрий орзу-умидларини рўйбга чиқариш, ўзи истаган тарзда ҳаёт қуриш, ҳеч кимга қарам ва тобе бўлмай яшаш ҳуқуқидир", деган таъкидлари фикримизнинг яққол далили бўла олади.

Бобокалонимиз Амир Темур Мовароуннахр тахтига ўтирган, давлат ва жамият ҳаётида адолатни ўрнатиб, кўплаб ислохотлар ўтказди. Мамлакатда ўтказилган кенг кўламли ислохотлар натижаси ўлароқ давлат зудлик билан ривожланди, бу эса, ўз навбатида, давлатнинг қаноти бўлган армиянинг юксалишига сабаб бўлди. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб босқичма-босқич ҳарбий соҳани ислох қилиш ва профессионал армияни шакллантириш асосий вазифа қилиб олинди.

Профессионал армияни шакллантириш тажрибали ҳарбий хизматчиларни тарбиялаш билан вевосита боғлиқ жараёндир. Шу са-

бабли, тажрибали ва профессионал ҳарбий хизматчиларни аввалом бор ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, миллий ғурур, миллий ғояни, миллий маффурани, аждодларимиз тарихини ёш авлод оннга сингдириш нақадар фойдалилигини Президентимизнинг ушбу фикридан англашимиз мумкин: "Ҳарбий хизмат жараёнида ҳар бир ёш аскар билан алоҳида иш олиб боришимиз, уларни, аввало, Жаллоддин Мангуберди ва Амир Темур каби жасур аждодларимизнинг муносиб ворислари, она Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоячилари этиб тарбиялашимиз даркор".

Олиб борилган ислохотлар натижасида барча бўғиндаги ҳарбий хизматчиларнинг юқори профессионал қобилияти ва малакасини таъминлаш, уларнинг интеллектуал савиясини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган кадрлар тайёрлаш тизими яратилди. Бу миллий армиямиз таркибини сифат жиҳатдан бутунлай ўзгартириш ва уларни бугунги кун талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка эга бўлган ҳарбий хизматчилар билан тўлдириш имконини берди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, биз мамлакатимизни демократик янгилаш, модернизация ва ислох қилиш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашни эзгу мақсад сифатида белгилаб олган бугунги кунда Куролли Кучларимиз олдига ҳаётнинг ўзи мурраккаб, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Демак, ҳуқуқий демократик давлат ва одил фуқаролик жамияти қуришнинг ўз олдига эзгу мақсад қилиб қўйган халқимиз орзу-истакларининг амалга ошишида ҳарбийларимиз қанот вазифасини ўтаб бермоғи лозим.

Акмал ЙЎЛДОШЕВ,
Махсус авария-тиклаш
бошқармаси 2-взвод
оддий аскар

Термиз гарнизони ҳарбий госпитали Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигининг Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан ўтказилган кўрик-танловида фахрли биринчи ўринни эгаллаб, мамлакатимизнинг энг яхши ҳарбий тиббий муассасаси деб топилди. Капитан Шарофиддин Арамов бошлиқ ҳарбий госпитал жамоасининг бу катта муваффақиятида даволаш бўлими шифокори Шавкатжон Эшонқуловнинг ҳам муносибу улуши бор.

Тиббий хизмат капитани

Шавкатжон шифокорлар оиласида воёга етди. Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидаги қишлоқ мактаби ўқувчиси қалбида Ибн Сино издоши бўлиш туйғуси шаклланишида бу муҳит таъсири сезилиб турарди. Сайёр ака ўғлининг ўз касбига ихлоси баландлигини билгач, шаштини қайтармади. Фақат "Тиш даволаш шифокори бўлсанг, эртага ўрнимда ишлайверардинг", деб қўйди. Шавкатжон отасидан изн сўраб терапевтликни ният қилиб юрганини айтди.

Самарқанд Давлат тиббиёт институтига ўқишга қабул қилинган, уни биринчи бўлиб отаси табриклади: — Унутмагин, ўқиш бошқа, ўқиш бошқа. Келажакда кишилар сендан мадад олади. Шундай экан, танлаган касбинг масъулиятини ҳозирдан ҳис қилиб яша!

Бамаъни маслаҳат ҳис-ҳаяжонга тўла қалбда туб бурилиш ясади. Демак, дипломни ҳамма олиши мумкин, аммо яхши мутахассис камданкам етишиб чиқади. Алқисса, эзгу ният йўлида толмай изланиш ва интилиш шарт. Шавкат Эшонқулов олий даргоҳ машғулотларида қатнашар экан, шу туйғунини унутмади.

Институтда у мутахассисликни эгаллаш билан бирга, кичик лейтенант ҳарбий унвонини ҳам олди. Лекин, келгусида ҳарбий шифокор бўлиши ҳаёлига келмаган эди. Китоб туманидаги катталар поликлиникаси ходимида 2000 йил шундай синов имконият эшигини очди. Ҳарбий соҳадаги жанговар фаолият қўшни Сурхондарё вилоятида бошланди. Хайрбоддаги ҳарбий қисм тиббиёт шахобчасида ишга кириш-

ганда масъулият юкини илк кунданок сезди.

Орадан кўп ўтмай катта лейтенант Шавкат Эшонқуловга яна бир ишонч билдирилди. Бухородаги ҳарбий қисмлардан бирига тиббий хизмат бошлиғи этиб тайинланди. Бу жойда ҳам феъл-атворида хос фазилати фойда берди. Тез орада жамоага мослашиб кетди.

— Биз мустақил Ватан посбонларига хизмат кўрсатаётганимиз билан фахрланамиз, — дейди Термиз гарнизони ҳарбий госпитали шифокори, капитан Шавкат Эшонқулов. — Уларнинг саломатлиги тикланиб, тез кунда сафга қайтиши учун касб маҳоратимизни тўла ишга солягимиз. Кейинги пайтда замонавий тиббий техникаларга эга бўлганимиз мақсадга эришишимизда катта аҳамият касб этмоқда.

Айни пайтда ҳарбий госпитални капитал таъмирлаш ишлари кетяпти. Утган йили 400 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Жамоа аъзоларининг касбий малакасини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Шавкат Эшонқулов Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлиги қошидаги ординаторлик курсида олти ой таҳсил олиб қайтди.

Ватан ҳимоячилари кунда уч фарзанднинг отаси, ибратли оила бошлиғи Шавкатжоннинг ҳам қувончи кечис бўлди. У тиббий хизмат капитани сифатида эл-юрт тинчлиги барқарорлигини таъминлашга баҳоли кудрат ҳисса қўлимоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ



Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар.

ИТОГИ И ПЛАНЫ

Состоялось очередное заседание Государственной комиссии по радиочастотам Республики Узбекистан (ГКРЧ).

Основными вопросами повестки дня заседания были итоги работы ГКРЧ за 2007 год и план работы на 2008 год. На заседании было отмечено, что все мероприятия предусмотренные планом работы, в основном выполнены. В истекшем году проделана большая работа по подготовке и участию в работе Ассамблеи радиосвязи (AP-07) и Всемирной конференции радиосвязи (ВКР-07) Международного союза электросвязи.

На заседании одобрена работа делегации Респуб-

лики Узбекистан на AP-07 и ВКР-07, утвержден План работы ГКРЧ на 2008 год, которым предусматриваются мероприятия по выполнению Заключительных актов Всемирной конференции радиосвязи, Заключительных актов второй сессии РКР-06 по переходу от аналогового на цифровое вещание, по пересмотру нормативных документов, а также другие мероприятия по регулированию использования радиочастотного спектра.

Также рассмотрены вопросы о ходе опытной

эксплуатации, проводимой пользователями радиочастотного спектра в выделенных полосах частот в соответствии с принятыми решениями ГКРЧ.

Рассмотрен и одобрен проект новой редакции нормативного документа «Инструкция о порядке оформления разрешительных документов для организации радиосвязи нерезидентами Республики Узбекистан».

Приняты решения по вопросам ввоза и использования радиоэлектронных средств на территории республики.

На заседании Комиссии был рассмотрен ряд других вопросов по рациональному и эффективному использованию радиочастотного спектра, по которым приняты соответствующие решения.

На этой неделе исполняется 10 лет со дня создания международного стандарта беспроводной связи на близком расстоянии известного широкой общественности под названием технологии Bluetooth. Знаменательная дата удачно совпала с проведением Международной выставки потребительской электроники (CES) в Лас-Вегасе.

ТЕХНОЛОГИИ BLUETOOTH ИСПОЛНЯЕТСЯ 10 ЛЕТ

С момента появления самой концепции Bluetooth в 1998 году разработчикам потребовалось два года на стандартизацию технологии, чтобы выпустить новинку на рубеже тысячелетий. Всего за 8 лет на рынок вышло более 1,5 миллиарда устройств с поддержкой технологии Bluetooth, а небольшая группа компаний-создателей Bluetooth

– Special Interest Group (SIG) – разрослась до огромного объединения, включающего в себя 10 тысяч компаний.

Каждое новое устройство с поддержкой Bluetooth должно пройти строгую проверку и получить одобрение SIG, прежде чем попасть на прилавки магазинов. После запуска первого Bluetooth устройства в 2000 году количество девайсов подлежащих проверке ежегодно увеличивалось в 13 раз. Одно из таких устройств JayBird Bluetooth Stereo Headset было представлено на CES, а его производитель, компания JayBird Gear LLC, удостоилась чести вступить в ряды Bluetooth SIG на торжествах по случаю десятилетней годовщины и стать 10 тысячным членом организации.


Технология Bluetooth названа в честь датского короля Гарольда Блатанда, который прославился своей страстью к чернике и объединением враждующих племен на территории современных Дании, Норвегии и Швеции. Главной целью Bluetooth является именно объединение разных устройств от разных производителей, например, компьютера от Apple и мыши от Microsoft, по низкой цене, при низком энергопотреблении и по безопасному соединению.

Технология Bluetooth достигла необыкновенной популярности и эмблема Bluetooth – рунический символ, состоящий из инициалов короля Гарольда, заключенных в голубой овал – широко известен по всему миру. Большинство людей используют технологию Bluetooth для беспроводного соединения мобильных телефонов и наушников, для передачи изображений, файлов и прочей информации с одного телефона на другой телефон, компьютер или принтер, для прослушивания музыки по беспроводному Bluetooth соединению.

Первая волна популярности технологии связана с функцией мобильных телефонов «свободные руки». Сегодня Bluetooth можно встретить практически на любом устройстве от ноутбука до кардиомонитора.

Технология Bluetooth открывает невиданные просторы для повышения прибыли компаний при низкой стоимости и чрезвычайной простоте установки самого чипа Bluetooth. С каждым годом технология внедряется во все новые области потребительской электроники.

Сейчас Bluetooth SIG работает в сотрудничестве с WiMedia Alliance над созданием ультра широкополосной (UWB) технологии для высокоскоростной передачи данных по Bluetooth соединению. Кроме того, в 2007 году началась разработка технологии Wibree – ультра низкого энергопотребления Bluetooth соединения. Прототипы обеих новинок, скорее всего, появятся уже в 2008, а массовое применение технологических новшеств намечено на первую половину 2009 года.



Трибуна специалиста



НАВИВНАЯ ТЕХНОЛОГИЯ СТРОИТЕЛЬСТВА ВОЛС

(Продолжение. Начало в №2 (792))

Технология «закапывания в грунт» применяется за городской чертой, в основном на равнинной местности. Кабель укладывается на глубине 1,2 метра (или по проекту) с помощью специального плугового укладчика, но не редко используется и ручной труд, что в свою очередь дополнительно замедляет работы.

Существенную опасность для проложенного в грунт кабеля связи представляют «копатели» всех видов и форм собственности. Это и пахотные трактора, газоники, нефтяники и др. Порой добродушный дачник или фермер, пожелавший выкопать колодец или выгребную яму на своем участке, может вывести из строя кабельную линию связи протяженностью несколько десятков километров. Об этом не раз писалось и обсуждалось в газетах и других СМИ.

Примечательной разновидностью укладки кабеля в грунт является использование полиэтиленовых труб. Суть этой технологии состоит в том, что сначала в грунт закапывается не сам кабель, а длинная полиэтиленовая трубка типа DURALINE. После того, как канал создан по всей длине будущей линии связи, в него с помощью специального компрессора в буквальном смысле вдувается оптоволоконный кабель. Для снижения трения кабеля о стенки трубки, часто ее внутреннюю поверхность снабжают продольными ребрами или смазывают. На сегодняшний день основным недостатком данного способа является высокая стоимость ПЭТ трубки, погонный метр такой трубки, сделанной из первичного полиэтилена, составляет около 1000\$ за километр. Очевидно основное достоинство этого способа: при необходимости замены кабеля, он с помощью того же компрессора высасывается из трубки, и вместо него вдувается новый. Но данная

технология не прижилась в Узбекистане из-за высокой стоимости и самих материалов и стоимости монтажных работ.

Что касается типа кабеля, который используется для укладки в грунт, то выбор кабеля определяется, в основном, характером местности, по которой он проходит. Здесь наиболее важным свойством, которым должен обладать прокладываемый кабель, является герметичность, особенно если кабель прокладывается в болотистой местности, в поймах рек и по дну водоемов. Преодоление подобного рода препятствий вызывает у строительных организаций дополнительную мобилизацию сил, а у заказчика строительства дополнительные денежные затраты.

«Воздушная» прокладка или монтаж кабеля на уже существующих опорах линий традиционных коммуникаций, которыми могут быть опоры телефонных и телеграфных линий, опоры линий электропередач (ЛЭП), опоры контактной электросети железных дорог производится сравнительно легко. Монтаж кабеля осуществляется сразу на большом отрезке линии опор. Обычно это делается сразу по всей длине подвешиваемого кабеля (3-6 км) с помощью так называемого метода подтяжения. На опорах закрепляются специальные ролики, по которым сначала протягивается легкий полимерный трос, а затем уже с его помощью кабель. Специальные машины обеспечивают равномерное разматывание кабеля с транспортировочных барабанов. После того, как кабель подвешен на всем отрезке, он перекапывается с роликов на крепежные элементы.

(Продолжение следует.)

Байсеит УТАБАЕВ,
директор дочернего предприятия
ЦНТМИ «ALOQA VA TOZA ENERGIYA
TEKNOLOGIYALARI»



АФОРИЗМ

Кривого не излечишь, разгибая.
И сам он крив, и тень его кривая.

Алишер НАВОИ

Хабар +tv



ЎЗБЕКИСТОН

- 5.55 Кўрсатувлар дастури.
- 6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
- 7.00 «САРОЙ ЖАВОҲИРИ». Т/с
- 7.35 «Юртим бўйлаб» дастури. «Икки дери борилад».
- 7.55 «Оттин мерос».
- 8.00-8.45 «Таълимчи».
- 8.45 «Менг бир рақот».
- 8.50 «АЛШЕР НАВСОЙИ». Видеofilm.
- «Бошлар сайраган».
- 9.25 «Бошлар дуниси».
- 9.45 «Лолан». Мультифилм.
- 10.40 «Одави эрсанг...»
- 11.00 «Аборт».
- 11.10 «Менг бир рақот».
- 11.15 «Хаман бақар».
- 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кундузги дастур.
- 13.00 «ТУРМУШ ЧОРАХАЛАРИДА». Т/с
- 13.50 «Оттин мерос».
- 14.00 «Аборт».
- 14.20 Эсон албом».
- 14.25 «Ватанлар».
- 15.15 «ЖАЙДАМ КЕЛИН». Спектакль.
- 17.00 «Аборт».
- 17.10 «Оттин мерос».
- 17.20 «Хайт ва қирин».
- «Бошлар сайраган».
- 17.40 «Эртақлар - «ошаника отақлар».
- 18.00 «Сизнинг адрасатини».
- 18.05 «ТУРМУШ ЧОРАХАЛАРИДА». Т/с.
- 18.50 «Бир кун».
- 19.15 «Оналар гушудиди».
- 19.25 19.55 20.55 21.00 Эонлар.
- 20.30 «Аборт» (рус тилида)
- 20.05 «ТВ шафокор».
- 20.10 «АННИК ЕЛФОН». Т/с
- 20.30 «Менг бир рақот».
- 21.00 «Аборт».
- 21.40 Эрон мавзу.
- 22.00 «СЕНТИ КИРЮЛИНА». Т/с
- 23.00 «Кўшимчиси, муқаббат» (SMS. Своя берия)
- 23.15 «РАМАЯНА». Т/с.
- 23.50-23.55 Тунги наволар.
- «Uzbekistan».
- 23.55 Кўрсатувлар дастури.
- 24.00 «Анлар бақар». Видеofilm.
- 00.30 «Бир кун».
- 01.00 «Аборт» (рус)
- 01.30 «Оттин мерос».
- 01.40 «Ватанлар».
- 02.30 «Майсаревег иш» операси.
- 04.00 «Аборт».
- 04.35 «Оттин мерос».
- 04.45 «Менг бир рақот».
- 04.50 «Турмуш чорахаларида». Т/с.
- 05.40-05.55 Тунги наволар.



- 16.55 Дастурнинг охишлик.
- 17.00 «Дастуринг боласи».
- 17.10 «Бошлар табаскуми».
- 17.20 «Ешлар ва тилим».
- 17.35 «Ешлар йил».
- 17.40 «Тараққийт сари».
- 18.00 «Иш» хабарлари».
- 18.10 Т/с-ЕМГИР СИМФОНИЯСИ».
- 18.35 «Яши наволар».
- 18.55 «Илтим».
- 19.00 «Дир».
- 19.20 Т/с-ДЕНДИЗ ХУМДОРИ».
- 20.10 «Иш» хабарлари».
- 20.20 «Yoshlar-FM».

ДУШАНБА — 14 ЯНВАР

- 20.30 «ТВ-бонк».
- 20.40 «SMS-муслик».
- 21.00 «О, ешганим...»
- 21.05 «Yoshlar» аекетаси
- 21.10 Т/с-«АЛШЕР».
- 21.50 «Ватанчи».
- 21.55 «Илтим».
- 22.00 «Дир».
- 22.30 «Муко мулоқ».
- 22.45 Т/с-ЕМГИР СИМФОНИЯСИ».
- 23.15 «Анқоқлар сараси».

СЕРВИС

- 17.50 Кўрсатувлар тартиби.
- 17.55 М/с «Филанг саргушашлари».
- 18.10 21.50 «Телтурер-меркет».
- 18.25 «Биласоми?»
- 18.30 «Поитак».
- 18.30 «Кавалик». Т/с
- 19.20 «ТВ юристи».
- 19.25 «Муслик SMS».
- 19.50 «Сароми бўланг» /рус/.
- 20.00 «Поитак» /рус/.
- 20.15 «ТВ юристи» /рус/.
- 20.20 «Милларос». Т/с /рус/.
- 20.50 «Илгарий» /рус/.
- 21.00 «Жизби».
- 21.30 «Поитак».
- 21.45 «Илтим».
- 22.05 «Алн қирин».
- 22.30 «Поитак» /рус/.
- 22.45 «Кино SMS со звездани».
- 23.50. 00.50 Кино: «Тринадцат друзий Ошман».

SPORT

- Телетомсиабонлар дикутали!
- Продвижати муносабати бизни 21 январь кунин «Sport» телерадиоканали ю кўрсатувларини 18.00 дан бошлайди.
- 18.00 «Пазарван».
 - 18.20 «Тел-титл».
 - 18.30 «Хабарлар» (рус тилида)
 - 18.50 «Муслик тайл».
 - 19.10 «Кино намага кидир?»
 - 19.30 «Спортлима мульткалари».
 - 19.50 «Спортлото».
 - 20.00 «Жин мезан».
 - 20.40 Баскетбол. Евролига. Женщины.
 - «Флорбонен».
 - ЦСКА
 - 21.30 «Хабарлар» (узб. тилида)
 - 21.50 «ПрогРНИ».
 - 22.40 Спортинво кино: «Лезанг слава».
 - Х/ф.
 - 00.25 «Тунгичи ошуд бўланг».

БИРИНЧИ

- 05.00 Телеканал «Доброе утро»
- 09.00 12.00 15.00 Новости
- 09.15 Телеканал «Доброе утро». Продолжение
- 09.30 «Молодос»
- 10.30 «Контрольная закупка»
- 11.00 Серил «Убойная сила»
- 12.20 «Мойлар гитговар»
- 13.25 «Детектив»
- 14.00 Ночные новости
- 14.25 «Жуку зная»
- 15.15 «Перекл. Простит»
- 15.50 Серил «Пята за любовь»

- 16.55 «Федеральный судия»
- 18.00 Вечерние новости
- 18.20 «Жин мезан»
- 19.00 Серил «Татьянин день»
- 20.00 Серил «Юный лобанг»
- 21.00 «Бразил»
- 21.30 Серил «Тромбов»
- 22.25 «Зрита Глева. Любовь и песни»
- 23.25 «Мель»
- 00.15 «Тени и злагоди»
- 00.45 Ночные новости
- 01.05 Х/ф «Тонкие ности»
- 02.40 Комедия «Милениные секрети»

РОССИЯ

- 11.50 «Зрита Глева»
- 12.40 Х/ф «Дубровский»
- 14.00 17.00 20.00 «Вести».
- 14.20 «Местное время. Вести - Москва».
- 14.40 Т/с «Милена»
- 15.35 «Суд идиат»
- 16.30 «Куляти и партнеры».
- 17.30 «Местное время. Вести - Московская область».
- 17.50 «Вести. Дзержинский часть».
- 18.05 Т/с «Жизнани без прошлого».
- 19.00 Т/с «Ангел-хранитель».
- 20.30 «Вести. Местное время».
- 20.50 «Спокойная ночь, мальшани»
- 21.00 Т/с «Срокче в номер».
- 22.50 «Городок».
- 23.50 «Вести 1+1».
- 00.10 «Честный детектив».
- 00.40 «Сизмакчи».
- 01.05 Х/ф «Налат».

НТВ

- 06.00 «Сегодня утром».
- 09.00 «Судистие вилл».
- 10.00 13.00 16.00 19.00 22.40 «Сегодня».
- 10.25 15.30 18.30 «Чрезвычайное происшествие. Обзор».
- 11.00 «Культурный поздравк».
- 12.00 «Квадратный вопрос».
- 13.30 Т/с «Сыщики».
- 16.30 23.05 Т/с «Улица разбитых фонарей».
- 19.40 Т/с «Пугалица».
- 20.40 Т/с «Точка».
- 21.40 Т/с «Доктор прокусулат».
- 00.05 «Школа эспонсия». Ю. Мезенцев.
- 00.55 «Quattrologia».
- 01.30 Детектив «Тайна «Черных друзей».
- 03.30 Т/с

КУЛЬТУРА

- 07.00 Канал «Евроново».
- 10.00 19.30 23.30 «Новости культуры».
- 10.20 «В главной роли».
- 10.40 01.35 Программа передач.
- 10.50 Х/ф «Среди тысяч дорог».
- 12.10 «Линия жизни». Л. Чурсина.
- 13.00 «Моя Зригалица».
- 13.30 Телоспекталь «Дома адвокати».
- 15.15 «История Мюссаво. Сотворивший танец».
- 15.55 «Порядок слов».
- 16.00 М/с «Вокруг света с Вилли Фолк».
- 16.25 М/ф «Гномы и Горный король».

- 16.30 «Пустыня всерьез».
- 16.55 Д/ф «Страпон».
- 17.05 Д/с «Экосистема. Паутина жизни».
- 17.35 «А. Пушкин». «Евоний Онегин».
- 18.00 Д/ф «Чевево Терра. Земля между океаном и морем».
- 18.15 «Достоиние республиблин».
- 18.30 «БлондИТ».
- 19.00 «Ночной полет».
- 19.55 Д/ф «Потерянный корабль Колумба. Расследование крушения».
- 20.50 «Ша в вечность».
- 21.20 «Острова». Л. Зайцева.
- 22.05 «Тайны забытых побед». «Закрывает небо».
- 22.35 «Три армянани».
- 23.55 «Про АРТ».
- 00.20 «Легенды мирового кино».
- 00.50 Д/ф «Снежный ангел».
- 01.20 «Музыкальный момент».
- 01.40 Д/ф «Потерянный корабль Колумба. Расследование крушения».
- 02.35 Д/ф «Чевево Терра. Земля между океаном и морем».

СТС

- 06.00 Т/с «Мудеса науки».
- 06.55 М/с «Смешарики».
- 09.00 19.00 Т/с «Моя прекрасная няня».
- 09.30 21.00 Т/с «Патина дончи».
- 10.00 22.00 Т/с «Одна ночь любви».
- 11.00 20.30 02.00 Истории в деталях.
- 11.30 «Кто умнее пятиклассника?»
- 12.30 Т/с «Даша Васильева. Любительница частного сыска 4».
- 13.30 Т/с «Пена великоленый».
- 14.30 Т/с «Вост так везнеланг».
- 18.00 Т/с «Сабрина - маленькая ведьма».
- 18.30 «Танява».
- 19.30 Т/с «Тайны Смолвила».
- 23.00 Т/с «Алтаниди».
- 00.00 Х/ф «Заванго погребеный».
- 01.50 6 Эрон».
- 02.30 Т/с «Тринадцатый».
- 03.30 Т/с «Особый день».

TBS

- 08.00 Д/ф «Разрушители мифов».
- 09.00 М/с
- 11.30 Х/ф «Жандарм и жандармлет».
- 13.30 17.00 Успел за 23 минуты.
- 14.00 Д/ф «Разрушители мифов».
- 15.00 19.00 Т/с «Закрывает ярига»
- 16.00 Х/ф «Мастера фантастики»
- 17.30 «Ишт».
- 18.30 Т/с «Мурашони»
- 20.00 Т/с «Ключевые ведьмы»
- 21.00 Т/с «Новый день».
- 22.00 Т/с «Выжить вопреки»
- 23.00 Х/ф «Легенда Лосис Кисси».
- 01.00 03.30 Т/с «Байни из ослепла».
- 01.30 Х/ф «Иозекование».

TNT

- 06.00 Т/с «Любовь и тайны Сансет Бич».
- 06.55 «Глобальные новости».
- 07.00 13.30 19.00 Такси.
- 07.30 М/с «Ракетная мощь».
- 08.00 19.30 Москва: инструкция по применению.
- 08.30 «Необязательно, но факт».
- 09.30 14.00 Т/с «Саша+Маша».
- 10.00 18.00 20.00 Т/с «Счастливы вместе».
- 11.00 М/с
- 14.45 21.00 23.50 01.05 «Дом 2».
- 15.40 Триллер «Имматтор».
- 22.00 Комедия «Кослоток».
- 00.50 Наши песни.

2008-йil 18-yanvar 3 (800)-son

Хабар

ОТБОРТОН

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 «Ассалом, Ўзбекистон»
7.00 «САРОЙ ЖАВОХИРИ». Т/с.
7.35 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки даре оралида»
7.55 «Олтин мерос»
8.00-8.35 «Абборот»
8.35 «Минг бир ривоят»
8.40 «АЛИШЕР НАВОЙИ». Видео-фильм.
«Болалар сайёриси»
9.05 «Йила, Ила, Топ!» Телемусо-бада
9.45 «Денгиз итлари». Мультсери-ал.
10.10 «Хайт манаралари»
10.20 «Шахсий фикр»
10.55 «Сизнинг адвокатингиз»
10.55 «ТВ шифокор»
11.00 «Абборот»
11.15 «АЧЧИК ЕРҒОН». Т/с.
11.50 «Абборот» (инглиз тилида)
12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Кун-дузи дастури.
13.00 «СУНГИ КИРОЛИЧА». Т/с.
13.55 «Олтин мерос»
14.00 «Абборот»
14.20 «ТУРМУШ ЧОРРАХАЛАРИДА». Т/с.
15.05 «Юртим бўйлаб» дастури: «Икки даре оралида»
15.25 «Интеллектуал ринг»
16.10 «Бир кун»
16.35 «ИЙВ хабарлари»
16.50 «Дуна манаралари»
17.00 «Абборот»
17.10 «Олтин мерос»
17.20 «Зағулик»
«Болалар сайёриси»
17.40 «Эртақлар - ахшиликка етак-лар»
18.00 «Минг бир ривоят»
18.05 «ТУРМУШ ЧОРРАХАЛАРИДА». Т/с.
18.55 «Худудлар хайти»
19.10 «Оканлар оғушида»
19.25, 19.55, 20.55, 21.30 Эълон-лар.
19.30 «Абборот» (рус тилида)
14.30 Серил «Жасига ўхшаш ийк» 54-58-сериаллар
17.00 Концерт
19.00 «Total news»
20.00 «Премьера» (рус)
21.30 Серил «TALABALAR.UZ» 12-серия
22.00 «ОБИТЕЛЬ ЗЛА-2» Х/ф.
23.50 Миксер

RTR SPORT

Душанба

06.50 Волейбол. Олимпиадий квалификационий турнир.
06.45 11.00 15.30 19.00 23.15 02.20 «Вести-спорт»
08.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф: «Сказка о рыбак и рыбаке», «Тягачи»
10.15 «Рождественские победител»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Вести-спорт. Местное время»
11.15 «Легенды спорта»
11.45 Хоккей. Чемпионат России.
13.45 Скейтинг. Кубок мира
15.40 «Сборная Россия». Евгений и Зарар Вышневский.
16.10 П.Б. Дюда Тив (Самoa) - Роберт Хонне (США).
17.15 Биатлон. Кубок мира. Спринт. Мужчины.
19.10 Биатлон. Кубок мира. Спринт. Мужчины.
20.55 Хоккей. Чемпионат России.
23.35 Биатлон. Кубок мира. Женщины. Гонка преследования.
02.30 Атлоспорт. ЧМ по ралли.
03.00 «Рыбалка с Радзидевицки»
03.19 Бобслей. Кубок мира. Мужчины. Двойка.
04.45 Хоккей. Чемпионат России. ЦСКА - ХК МВД (Московская область).

Сешанба

06.45 Футбол. Чемпионат Италии.
«Зарядка» - «Торнадо»
06.45 11.00 15.05 23.25 02.35 «Вести-спорт»
09.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф: «Самая скорая помощь», «Банды дель»
09.35 М/ф: «Скуби-Ду и Серпилли-Ду»
10.00 «Зарядка с чемпионом»
10.15 Т/с: «Сказки комедия»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Надежда спорта»
12.15 Командный спорт. ЧМ по шорттреку многоборью.
14.00 Бобслей. Кубок мира. Женщины.

15.15 Биатлон. Кубок мира. Женщины. Масс-старт.
16.15 «Надежда спорта»
17.20 «Скоростной уахот»
17.55 Фигурное катание. ЧЕ. Обязательный танец.
21.25 «Рыбалка с Радзидевицки»
21.45 Габшол. ЧЕ. Мужчины.
23.45 Фигурное катание. ЧЕ. Пары. Короткая программа. Прямая.
02.45 Биатлон. Кубок мира. Мужчины. Масс-старт.
03.50 Бобслей. Кубок мира. Мужчины. Двойка.
04.50 Волейбол. Олимпиадий квалификационий турнир. Женщины. Финал.

Чоршанба

06.45 Футбол. Чемпионат Италии. «Интер» - «Торино»
08.40 11.00 15.25 18.40 21.45 01.45 «Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф: «Тайга зеленого острова», «Перелазы населения»
09.35 М/с: «Скуби-Ду и Серпилли-Ду»
10.15 Т/с: «Сказка комедия»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Скоростной уахот»
11.45 Командный спорт. ЧМ по олимпийскому многоборью.
13.25 Бобслей. Кубок мира. Четверки.
15.25 «Путь Давида»
16.10 20.35 Фигурное катание. ЧЕ. Мужчины. Короткая программа.
18.55 Биатлон. Европа. Женщины.
22.05 Биатлон. Европа. Женщины. ЦСКА (Россия) - «Тай Каравина» Мужчины.
00.05 Габшол. ЧЕ. Мужчины.
01.55 Фигурное катание. ЧЕ. Пары. Прокладочная программа.
03.45 Волейбол. ЛН. Мужчины.
05.40 Атлоспорт. Международная серия «А1».

Пайанба

06.50 Биатлон. Европа. Мужчины. ЦСКА (Россия) - «Тай Каравина» (Италия).

06.45 11.00 15.15 23.30 02.30 «Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф: «Восток жизни», «Пробег»
09.35 М/с: «Скуби-Ду и Серпилли-Ду»
10.15 Т/с: «Сказка комедия»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Путь Давида»
11.40 Волейбол. ЛН. Мужчины. «Динамо» ТПТ (Казах, Россия) - «Олимпикс» (Италия)
13.20 04.25 Хоккей. Чемпионат России.
15.25 Волейбол. ЛН. Мужчины.
17.20 «Точка отрыва»
17.50 Фигурное катание. ЧЕ. Оригинальный танец.
18.45 Габшол. ЧЕ. Мужчины.
23.45 Фигурное катание. ЧЕ. Мужчины.
02.40 Биатлон. Европа. Женщины. «Спартак» (Россия) - ЦСКА (Франция).
06.20 «Сборная Россия».

Жума

06.50 Волейбол. ЛН. Мужчины. «Блед» (Словения) - «Динамо» (Москва, Россия).
08.45 11.00 14.15 17.45 23.15 02.40 «Вести-спорт»
09.00 10.00 «Зарядка с чемпионом»
09.15 М/ф: «Дом для барона», «Отправление в никуда»
09.35 М/с: «Скуби-Ду и Серпилли-Ду»
10.15 Т/с: «Сказка комедия»
10.45 «Мастер спорта»
11.10 «Точка отрыва»
11.40 Фигурное катание. ЧЕ. Оригинальный танец.
13.25 «Скоростной уахот»
14.30 «Рыбалка с Радзидевицки»
14.30 04.50 Скейтинг. Кубок мира. Мужчины.
15.25 20.10 Фигурное катание. ЧЕ. Женщины. Короткая программа.
17.55 02.50 Хоккей. Чемпионат России. «Амур» (Омская область) - ЦСКА. 20.55 Хоккей. Чемпионат России.
23.25 «Вести-спорт. Местное время»
23.40 Фигурное катание. ЧЕ.

Шанба

07.00 Хоккей. Чемпионат России.
09.00 11.00 14.40 23.55 02.05 «Вести-спорт»
09.10 Скейтинг. Кубок мира. Женщины.
11.00 15.15 «Вести-спорт. Местное время»
11.15 04.10 «Легенды спорта», Звезды неволевого фигурного катания.
11.45 Фигурное катание. ЧЕ.
13.00 Биатлон. Кубок мира.
14.05 «Точка отрыва»
14.55 04.40 Хоккей. Чемпионат России. «Химки» (Московская область) - «Ак Барс» (Казань, Россия).
17.10 Фигурное катание. ЧЕ. Женщины. Прокладочная программа.
20.55 Волейбол. Чемпионат России. Мужчины.
22.50 П.Б. Зарин Мирзавар (Колумбия) - Алан Трин (США).
00.20 Габшол. ЧЕ. Мужчины.
02.15 Биатлон. Чемпионат России. Мужчины.
06.40 Атлоспорт. ЧМ по ралли. «Ралли Монте-Карло». Пролог.

Якшанба

07.10 Волейбол. Чемпионат России.
09.00 11.00 15.10 18.40 23.55 02.30 «Вести-спорт»
09.10 Бобслей. Кубок мира.
11.00 15.15 «Вести-спорт. Местное время»
11.15 «Страна спортивная»
11.45 П.Б. Зарин Мирзавар (Колумбия) - Алан Трин (США).
12.45 Биатлон. Чемпионат России. Мужчины. «Химки» (Московская область) - «Локамотив - Ростов» (Ростов-на-Дону).
14.00 17.55 05.15 Бобслей. Кубок мира. Мужчины. Четверки.
15.20 23.25 «Сборная Россия». С. Ломоносов.
15.55 04.20 Футбол. Кубок чемпионов Содружества. Финал.
18.25 Легкая атлетика. Международный турнир «Русская зима».
21.25 Хоккей с мячом. ЧМ.
00.25 Футбол. Чемпионат Италии.

WWW



ДУНЁНИ ЎЗГАРТИРУВЧИ БЕШ ТЕХНОЛОГИЯ

IBM корпорацияси анъана тусини олган йиллик тахлилий Next Five in Five ҳисоботини эълон қилди. Унда сўнгги беш йилда инсонлар турмуш тарзига катта таъсир кўрсатиши кутилаётган бешта янги технология ҳақида сўз боради. Мазкур ҳисоботни тузишда амалдаги бозор шароити ва ижтимоий анъаналар эътиборга олинди. Бундан ташқари, таҳлилчилар IBM тадқиқот лабораторияларида ишлаб чиқарилган истиқболли технологияларни ҳам ҳисоботга киритишган.

IBM мутахассисларининг фикрига кўра, яқин беш йилда сайёраимиз аҳли экологик муҳит яхшилашида шахсан иштирок этишлари ва ҳатто атроф-муҳит тозаллигига зарари кам маҳсулотлар қўлланилиши натижасида сармояларини тижоратли бўлиши мумкин бўлади. Электр тармоқлари орқали маълумот узатиши имконияти пайдо бўлиши одамларнинг исталган маъмулий техникани браузер ёки мобил телефон орқали бошқаришлари ва сарфланган электр қуввати ҳақида керакли маълумот олишлари шариоит туғдиради. Бундан ташқари, мутахассислар муқобил энергия манбалари, масалан, қуёш батареялари тобора оммалашганини тахмин қилишмоқда.

Ҳисоботга кўра, технологиялар ривожига ҳамоҳанг тарзда автотранспортни бошқариш усуллари тубдан ўзгаради. Автомобиллар ўзаро ахборот алмашадиган бўлади, йўл белгиларига ўрнатилган электрон қурилмалар эса ҳаракат хавфсизлигини янада яхшироқ кафолатлайди.

Келгуси беш йилда одамлар озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида тўлиқ маълумот олиш имкониятига эга бўлишади, дейишмоқда IBM мутахассислари. Инновацион технологиялар ва радиобелгилар воситасида, айтайлик, муайян сабзавот экинни қаерда, қандай шароитда етиштирилгани, унга қандай ўғитлар ишлатилгани тўғрисидаги ва ҳоказо маълумотларни қўлга киритиш чўт бўлмай қолади.

Айни пайтда универсал шахсий кўмакчиларга айланган мобил телефонлар дўкондаги харидни ёки транспорт йўлқирасини тўловчи, маҳсулот танлашда маслаҳат берувчи ёки ўзимиз ёқтирган буюм ҳақида ахборот берувчи қулай восита бўлиб қолади. Нотаниш шаҳарга борганда телефонимиз тегишли манзилга етиб олишимизда, маҳаллий меҳмонхона, ресторан ва диққатга сазовор жойлар ҳақида маълумот олишимизда беминнат дастёрлик қилади.

Ниҳоят, сўнгги бир неча йил мобайнида инсон организми ҳолатини тахлис қилиш усуллари тубдан ўзгариши эҳтимоли мавжудлиги IBM ҳисоботида киритилган. Тиббий мутахассислари ички органлар фаолияти ҳақида батафсил маълумотларни қўлга кирита оладилар. Уч ўлчамли компютер моделлаштириш воситалари олинган маълумотлар ва тиббий қайдларни тез таҳлил қилиш имконини беради.

Юқорида келтирилган тахмин диллар қанчалик асосли? Бир қарашда, одатда фантастика жанрига мансуб китоблар ёки кинофильмлар орқали бизга яхши таниш манзара, шундай эмасми? Аммо олимларнинг қомил ишонч билан таъкидлашларига қараганда, техника тараққиёти бизни куттириб қўядиганга ўхшамайди. Нима бўлганда ҳам буларнинг барчасини одил ҳакам — Вақт кўрсатади.




ALOQA OLAMIDA

КАМБАҒАЛЛАРГА БЕПУЛ ТЕЛЕФОН

Либерия ҳукумати жиноятчиликка қарши самаралироқ курашиш учун мамлакат фуқароларига бепул фойдаланиладиган мобил телефонлар улашмоқда — улар жойлардаги қонунбузарликлар ҳақида полицияга хабар бериб туришади. Чунки молиявий қийинчиликлар боис ҳозирда мамлакат пойтахти — Монровия кўчаларини полиция патруллари билан етарлича таъминлашнинг иложи бўлмапти.

Ҳукумат режасига кўра, Монровиядаги 400та туманининг ҳар бирига ўндан телефон тақсимланмоқда. Жиноятчилик ҳақида энг кўп хабар берганларни полиция раббатлантиришга ваъда берган.

Бироқ айнан телефон эгалари талончи тўдалар нишонига айланиши тўғрисидаги фикрлар ҳам йўқ эмас. Чунки Либериянинг меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 80 фоизи ишсиз бўлиб, уяли телефон сотиб олиш ва ундан фойдаланишга ҳар кимнинг ҳам қурби етмайди.



ИНТЕРНЕТ-ТЕЛЕВИЗОР

Panasonic (Япония) Google компанияси билан ҳамкорликни бошлаганини маълум қилди.

Ҳамкорлик доирасида гибридинг интернет-телевизор ишлаб чиқариш кўзда тутилган. Унинг воситасида телекўрсатувлар билан бирга YouTube сайтида жойлаштирилган роликлар, Picasa сайтидаги тасвирларни томоша қилиш мумкин. Уларни бевосита телевизорга ўрнатилган Google қидирув тизими ёрдамида топса бўлади.



SMS УЧУН СОЛИҚ

Филиппин молия вазирлиги Питер Фавила жўнатиладиган SMSлар учун мамлакатда солиқ жорий этиш таклифи билан чиқди. У бунга асос қилиб нефть маҳсулотлари учун қўлланиладиган 12 фоизлик бож бекор қилинган тақдирда йўқотилиши кутилаётган даромадлар ўрнини қоплаш заруратини кўрсатган.

Аммо Фавиланинг нияти фақат молиявий масала эмаслиги кейинчалик GMANewsга берган интервьюсида маълум бўлди. У SMSлар одамларнинг ахлоқига кучли таъсир кўрсатаётганини, фикрлаш доирасини саялаштириб юбораётганини, шунингдек баъзи салбий оқибатларга омил бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлаган.

SMSларга солиқ қўллаш 2004 йилдан буён Филиппин ҳукумати кун тартибда турган масалалардан саналади.



75 ДОЛЛАРГА КОМПЮТЕР

OLPC лойиҳаси (100 долларлик ноутбуклар) бош техник директори Мэри Лу Жепсен 75 долларлик портатив компютер яратишни мўлжаллапти.

Мэри Лу Жепсен ривожланаётган мамлакатлар учун ишлаб чиқариладиган XO ноутбукларига асос қилиб олинган қатор технологиялар муаллифи ҳисобланади. Масалан, у энергияни кам сарфловчи, қуёш нурида ҳам тасвири аниқ акс эттирувчи арзон дисплейни ихтиро қилган. Бу экраннинг афзаллиги икки хил — рангли ва оқ-қора тизимда ишлашидир.

Reuters агентлигининг хабар беришича, бундан икки ҳафта муқаддам Жепсен OLPC ташкилотини тарқ этган ва Pixel Qi деб номланувчи ўз компаниясига асос солган. Компания XO ноутбукларида ишлатилаётган технологиялар тижорати билан шуғулланади. Бу технологиялар мобил телефон, рақамли фото ва видеокамера ҳамда компютер ишлаб чиқарувчилари эътиборини тортиши аниқ. Ўз навбатида, OLPC лойиҳаси қатнашчилари Pixel Qi компаниясида чиқарилган янги технологияларини ўз баҳосида сотиб олиш имкониятига эгадирлар. Бу эса ноутбуклар таннархини камайтириш ва оқибатда 75 долларга ҳам компютер ишлаб чиқаришга қулай шароит туғдиради.



IBM ХАҚИДА:

IBM — компютер техникаси соҳасида дунёнинг энг йirik компанияси.

Бугунги кунда қудратли корпорацияга айланган IBM (International Business Machines — Халқаро бизнес машиналари) 1911 йили АҚШда ташкил топган.

1953 йил — компания "701" деб номланган биринчи компютерини тақдим этди.

1981 йил — бугунги кунда стандартга айланган биринчи шахсий компютер айнан IBM лабораториясида ишлаб чиқилди.

Ҳозирги кунда компания кенг қўламада маҳсулотлар ишлаб чиқармоқда — параллел ишлов бериш воситаларига эга суперкомпютерлар, шахсий компютерлар, шахсий электрон ёрдамчилар ва ҳоказо.

2008-YIL — YOSHLAR YILI

«ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ» ОАЖ НАВОЙИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИДА АКСАРИЯТ ЁШЛАР ХИЗМАТ ҚИЛИШАДИ. МАХБУБА ҲАСАНОВА АНА ШУНДАЙ СЕРФАЙРАТ, ФИДОЙИ, ТАШАБУСКОР ЁШЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА КАТТА ЖАМОАДА-ЎЗИГА ХОС ҲУРМАТ ВА ЭЪТИБОР ТОПГАН.

Вилоят почтасига ишга келганида у 18 ёшда эди. Қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича етакчи муҳандисликдан иш бошлаган тиришқоқ қиз иш юритиш ва назорат бўйича етакчи муҳандисликни ҳам кўнгилдагидек эплади. Дастлаб Навоий бизнес марказини тугатган Махбуба олий маълумотни Бухорода энгил саноят институтида олди.

М.Ҳасанова 2002 йилдан филиалда техника хавфсизлиги ва меҳнатни муҳофаза этиш бўйича етакчи мутахассис бўлиб ишлаб келмоқда. У ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажариш билан бир қаторда жамоат ишларида ҳам фаол иштирок этади. Филиал касба уюшмаси раиси сифатида катта жамоанинг қувончу ташвишларига шерик. Уни ҳаммиша қуйиб-пишиб амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилаётган ёки янги режалар тузаётган ҳолда кўрасиз. Ёндафтаридан бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган вазифалари жўй олади: «Йўлдош акани

Почта унинг тақдири

туғилган кунда табриклаш», «Ногирон боласи бор ходимга хат тайёрлаб бериш», «Кўрик-танлов шартлари билан иштирокчиларни таништириш», «Байрамда тadbир ташкил этиш», «Касалхонага тушган ходимдан хабар олиш», «Обуна мавсуми бўйича чора-тадбир тузиш», «Соҳадаги пенсионерларни йўқлаш», «Кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам хусусида филиал директорига таклиф киритиш»... Бундай кундалик юмушларни санаб адоғига етиб бўлмайди.

Махбуба ҳаммага ёрдам беришга, айтилган ишни ўз вақтида адо этишга одатланган. Шунинг учун ҳам ҳамма қайсидир маънода

унга суюнади, уни ҳурмат қилади, энг муҳими, унга ишонади. Чунки, у ҳеч қачон ўзига топширилган вазифани ижросиз қолдирмайди ёки қўл учида бажармайди. Худди ана шу фидойилиги учун ҳам у бошлаган, у кўмаклашган ишлар доимо бароридан келади. Оддий мисол: «Энг яхши почта хизматчиси» кўрик-танловининг республика босқичида навоийликлар ҳам муносиб иштирок этганлиги, хатирчилик почта ходими Зоҳиджон Саъдуллаевнинг танловда фахрли иккинчи ўринни эгаллаганиги ҳам тинимсиз изланиш, соҳадаги ёшларнинг юксак интилишларидан далолат бериб турибди.

Махбуба Ҳасанова ҳаётини севган соҳасисиз, ўзи суянган, бир-бирларига ака-укадек, опа-сингилдек аҳил-иноқ, кадрдон жамоасисиз тасаввур эта олмайди. Мана ўн йилдирки, почта унинг тақдири. Ўз меҳнати билан ҳурмат ва эътибор топган Махбуба ёшлар йилида ҳам янги гайрат, ўзгача шижоат билан меҳнат қилишига шубҳа йўқ, Зеро, юрт эртаси ана шундай фидойи ёшлар меҳнатидан гуллаб-яшнайд.

Маруса ҲОСИЛОВА,
«Xabar»нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

НАМКАСЛАРИМИЗ

Эл хизматига камарбаста

ТУРКМЕНБОЙ АКА БУГУН ЯНА ИШДАН КЕЧ ҚАЙТДИ. ПЕШОНАСИДАН ОҚҚАН ТЕРНИ ДАСТРҮМОЛИ БИЛАН СИДИРИБ ТАШЛАР ЭКАН, ҲАЙРИЯТ, НАЙМАН ОВУЛИНИНГ ПЕНСИОНЕРЛАРИГА ПЕНСИЯ ПУЛИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ЕТКАЗИБ БЕРДИМ, ОФИР БИР ЮК ЕЛКАМДАН ТУШГАНДЕК БЎЛДИ, ДЕГАН ФИКР ЎТДИ ШУУРИДАН.



— Бундан икки йил муқаддам «Кетенлер» алоқа бўлими бошлиги лавозимига узоқ йиллар почта алоқаси соҳасида тажриба орттирган Туркменбой ака Калекеевни тавсия қилиб янгилашмаган эканмиз, — дейди биз билан суҳбатда тармоқ йўриқчиси Узоқбой Утамура-тов. — У кишига ишбилармонлиги қўл келиб, тез вақт ичида ўзи хизмат кўрсатадиган Айбуйир, Кунхўжа, Найман, Айритом, Косжап масканларида яшовчи аҳолининг ҳурматига сазовор бўлди.

1974 йили фаолиятини почтачиликдан бошлаган Туркменбой тез орада почтачилар бригадасига бошлиқ бўлди. 1976 йилда эса тумандаги Ақжап алоқа бўлимига раҳбар этиб тайинланди. У қаерга бориб ишламасин, ишлар тартибга солинар, фаолияти аҳоли томонидан фақат ижобий баҳоланар эди.

Туманинг энг чеккасида жойлашган «Кетенлер» алоқа бўлимида 250дан ортиқ нафақачининг пенсияси, 200дан ортиқ газета ва журналлар, хат-хабар ва телеграммалар Туркменбой аканинг саъй-ҳаракати билан эгаларига ўз вақтида етказилмоқда. Туркменбой ака газ, электр энергияси ва бошқа тўловлар қабул қилиб, қишлоқ аҳолисининг оғирини янада энгиллатмоқда.

— Одамларга кераклигини сезиб яшаш нақадар яхши, — дейди Туркменбой ака. — Ўтган умримга ачинмайман. Бир бурда нонимни ҳалол топиб оилам билан баҳам кўраётганимдан бахтлиман.

Раҳимжон БОЛТАБОВ,
«Xabar»нинг Қорақалпоғистон
Республикасидаги мухбири

АЛОҚА КОРХОНАЛАРИДА

Шерободда шахобчалар кўпаяди

Ўтган йили Шеробод телекоммуникациялар боғламаси ҳаётида муҳим янгиликлар рўй берди. «Ўзбектелеком Мобайл» филиалининг замонавий ускуналари ўрнатилиши муносабати билан корхона биноси мукамал таъмирдан чиқарилди. Янги эшик ва дераза ромлари қўйилгани, катта миқдордаги сувқ ва бўёқлаш ишлари амалга оширилгани касбдошлар кайфиятини чоғ қилиб юборди. Айниқса, мижозлар хонасининг обод бўлгани қувонарли бўлди.

2007 йил кузининг сўнгги кунлари янги рақамли станция синов шarti билан ишга туширилди. Мижозлар бу янгиликдан беҳад қувонишди. Чунки улар учун телефон орқали кўзланган манзилга тўғридан-тўғри чиқиш имконияти яратилган эди. Компютерлашган дастгоҳларни бошқариш ёш, аммо малакали кадрлар зиммасига юкланди.

— Синов мuddати муваффақиятли ўтди, — дейди «Сурхондарё Телеком» филиалининг Шеробод телекоммуникациялар боғламаси бошлиги Азамат Сатторов. — Кутиб олинган янги йил биз учун қўшалоқ байрам бўлди. Рақамли станция имкониятларидан кенгроқ фойдаланиб, мижозлар сафини кенгайтиришга ҳаракат қилияпмиз.

Ҳозиргача туман маркази ва Пошхурд қишлоғида шахарлараро ва халқаро сўзлашув шахобчалари бор эди. Эндиликда Шерободдаги бундай замонавий шахобчалар сони кўпаяди. Аҳоли гавжум жойларда фаолият кўрсатадиган шахобчалар ҳисобига янги иш ўринлари яратилмоқда.

Туман телекоммуникациялар боғламаси яна бир хайрли ишни амалга ошириш пайида юрибди. Яқин орада кўрган ва қишлоқ рақамли станциялари ҳамда сўзлашув шахобчаларини марказлашган ҳолда электр энергияси билан таъминлаш йўлга қўйилади. Натижада хизмат кўрсатиш унуми таъминланиб, мўмай даромад олишга эришилади.

Хуллас, бугун Шерободдаги Хўжайкон туз қонида ҳам, «Агрохизмат-Шиндон» Ўзбекистон-Жанубий Корея қўшма корхонасида ҳам замонавий ва жаҳон андозаларига мос рақамли телефон кўнғироқлари жиринглаб турибди.

Нортожи ЗИЁЕВ,
«Xabar»нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

НИҚМАТ
Киши ўзгалар бахтидан бахт топса, у ҳақиқий яшаган бўлади.

ЭЪЛОН!

Тошкент ахборот технологиялари университети куйидаги лавозимларга танлов эълон қилади.

Кафедра мудири:
Иқтисод — 1.

Доцентлар:
Менежмент ва маркетинг — 1, Иқтисод — 1, Электрон тижорат — 1, Олий математика — 1.

Катта ўқитувчилар:
Иқтисод — 1, Чет тили — 1, Ўзбекистонда демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 1, Ахборот технологиялари — 1, Дастурлаш технологиялари — 1, Информатика ва компютер графикаси — 1, Алоқа қурилмалари электр таъминоти — 1, Физика — 1.

Ассистент (ўқитувчи)лар:
Менежмент ва маркетинг — 1, Чет тили — 1, Ахборот технологиялари — 1, Электрон тижорат — 1, Информатика ва компютер графикаси — 1, Радиотехника ва радиоалоқа — 1, Физика — 1.

Аризалар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича профессорлар, фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй.
Телефон: 138-64-06.

SARGUZASHT-DETEKTIV

(Охири. Бошланиши ўтган сонларда.)

— Мен сизни сира тушунолмаганман, жаноб Рижвей, — деди Хопкинсон. — Сиз кечаги мактубингизда Гартер хонимнинг васиятномасини менда деб ўйлаб, танишмоқчилигингни билдирибсиз. Нега? Сиз нима учун бундай деб ўйлайсиз?

— Нима дедингиз? — Чарлз юристнинг юзига қаттиқ тикилиб қолди. — Мен буни холамдан эшитган эдим.

— Ҳа тўғри, албатта... васиятнома чиндан ҳам менда эди, аммо...

— Менда эди?
— Ҳа, жаноб Рижвей, аммо ўтган сешанба Гартер хоним васиятномани унга жўнатишимни илтимос қилди.

Чарлзнинг бутун вужуди музлаб кетди.

— У холангизнинг қоғозлари ичида турган бўлса керак, — қўшиб қўйди адвокат.

Чарлз индамасди. У холасининг қоғозларини аллақачон титкилаб чиққан, васиятнома у ерда йўқ эди. Буни эшитган адвокат елкасини қисди-да, яна йўталиб олгач, сўради:

— Сиз билмайсизми, жаноб Рижвей, сиздан бошқа яна ким Гартер хонимнинг нарсаларини... қарашни мумкин?

Чарлз, холамнинг нарсаларини Элизабет йиғиштириши мумкин, дея бир нарсаларни мингирлади. Элизабет дарҳақиқат хонимнинг нарсаларини йиғиштирганини тасдиқлади. Ҳа, у васиятнома қандай кўринишдалигини яхши билади, негаки, бекаси ўлган куни унинг қўлида кўрган эди.

— Шунга ишончингиз комилми?

— Кескин сўради адвокат.
— Ҳа, бекам уни менга кўрсатди. Ҳатто у мени нақд 50 фунтни олишга мажбур қилди. Васиятнома узун кўк хатжилдда эди.

— Тўғри. Тўппа-тўғри, — тасдиқлади Хопкинсон.

— Эртасига эрталаб, — давом этди хизматкор, мен ўша хатжилдни ётоқхонада стол устида кўрдим, аммо у бўш, ичида ҳеч нарса йўқ эди, мен уни хонимнинг ёзув столига қўйиб қўйганиман...

— Мен уни кўрдим, — қўшимча қилди Чарлз столга яқинлашар



Жазо

Агата Кристи

экан. — Мана қаранг, жаноб Хопкинсон, бу ўшамми? — йигит бурилиб юристга хатжилдни узатди. Хопкинсон бошини қимирлатди.

— Ҳа, жаноб Рижвей, худди ўша. Лекин васиятноманингни ўзи қани?

Ҳар иккала эркак хизматкорга қарашди.

— Сизга яна нима керак, — хурмат билан сўради у.

— Ҳозирча ҳеч нима керак эмас, раҳмат, — жавоб берди Чарлз ва Элизабет эшик томонга йўналди.

— Бир дақиқа, — тўхтатди уни жаноб Хопкинсон. — Айтинчи, ўша куни камин ёниб турганмиди?

— Ҳа, сэр.
— Бу билан нима демоқчисиз, жаноб Хопкинсон? — хириллади Чарлз хизматкор аёл чиқиб кетгач.

Юрист яна бошини қимирлатди.
— Сиз умидингизни сундирмай туринг-чи, жаноб Рижвей. Балки васиятнома топилди қолар...

— Агар топилмаса-чи?
— Топилмаса, кўрқаманки, ягона мумкин бўлган хулосага, холангиз васиятномани йўқ қилиш учун сўраган экан, деган тўхтамага келишимизга тўғри келади. Элизабетга тегишли 50 фунтни хизматкори йўқотмасин учун банкдан нақд пул олиб унга берган бўлса...

— Нимага? — бақириб юборди Чарлз. — Нимага?!

Жаноб Хопкинсон яна йўталиб

қўйди. Йўтал қуруқ, расмий ва айблаётгандай чиқди.

— Айтинг-чи, жаноб Рижвей, яқин ўртада холангиз билан адибади айтишиб қолмадингизми, ўрталарингизда қандайдир келишмовчилик юз бермаганмиди?

— Нималар деяпсиз? Биз сўнгги кунигача жуда яқин дўстлар эдик. Бир-биримизга ишонардик, соатлаб суҳбатлар қуриб ўтирардик.

— Ҳм-м, бўпти, майли, — деди-да, жим қолди адвокат.

Чарлз унинг ўзига ишонмаётганини англади. Худо билади бу қари Хопкинсон Чарлз ҳақида қандай маълумотлар йиғиб юрганкин! Жиянининг иккиюзлама ҳаётидан хабар топган ва хола-жиян ўртасида тез-тез жанжаллар чиқиб турган деган хаёлларга боряпти. Ҳар нима бўлганда ҳам у васиятномани йўқотолмас эди. Йўқ, йўқ, бўлиши мумкин эмас!

Кутилмаганда Чарлз вужудини совуқ тер қоплаб олаётганини ҳис этди. Унинг кўз ўнгига туйқусдан холасининг ўлими билан боғлиқ манзара намоён бўлди: Гартер хоним бир қўли билан юрагини ушлаб қолган ва, о, худойим! Ҳа бошқа кўлидан қандайдир қоғоз сирғалиб чиқиб, каминнинг чўғдек ёниб турган кўмирларига учиб тушмоқда.

Чарлзнинг юзи мурданикидек оқариб кетди ва у гайритабиий

хириллаган бўғиқ овозни — ўз овозини эшитди.

— Агар у мутлақо топилмаса-чи, унда нима бўлади?

— Нима бўларди, хотиржамгина жавоб қилди юрист. — Агар бу васиятнома изсиз йўқолса, бизда яна бошқаси бор. Гартер хонимнинг эски васиятномасига кўра бутун бойлиги Мириам Робинсонга қизлигида Гартер бўлган жиянига қолади.

Нима, нима деяпти бу қари тентак? Мириам! Мириам ва унинг калтафаҳм эри ҳамда тўрт йиғлоки аҳмоқларигами? Бутун интилишлари, айёрлиги ҳавога кетадими? Энди унинг меваларидан Мириам хузурланадими?

Кўкқисдан телефон жиринглади. Доктор Мейнел кўнгирак қилаётганди.

— Сизмисиз, Рижвей? — сўради врач ҳамдардик тўла овоз билан.

— Мен буни сиз билишингизни истардим, жасадини ёриб, натижаларини, ўлимнинг сабабларини айтаяпман.

Бу, мен ўшанда таъкидлаганимдек, шок бўлиб чиқди. Энди холангизнинг юраги ўшанда мен ўйлаган даражада мустаҳкам эмас эканлигини кўриб турибман. У жуда нари борса яна икки ой яшар эди, холос. Буни ҳамма билиши керак. Эҳтимол, бу нарса сизга бироз таскин берар...

— Кечирасиз, — деди Чарлз. — Нима дедингиз? Қайтаринг-чи?

— У икки ойга етмасди, вафот этарди, — қайтарди доктор, аммо гапнинг мазмуни Чарлзга етиб бўлганди. У трубкани ричакка улоқтирди ва қаердандир узокдан Хопкинсоннинг чўчибгина сўраётган овозини эшитди:

— Сизга нима бўлди, жаноб Рижвей? Касал бўлиб қолганингиз йўқми?

— Ҳамманга минг лаънат! От калла юрист, қари эшак Мейнел! Ҳамманга минг лаънат!

Энди унда ҳеч қандай умиду нажот йўқ! Олдинда фақат қамоқхонанинг деворлари чайқалади. Чарлз билан кимдир думидан ушлаб олгандек мушук-сичқон ўйнаяпти. Ҳозир ўша кимдир роса қулаётган бўлса керак.

Рус тилидан
Ҳафиза САЛЯҲОВА
таржмиси

SAVOL VA JAVOB

СОЧ ОҚАРИШНИНГ СИРИ НИМАДА?

Соч ранги, шунингдек, унинг қанча вақт ўзгармай туриши ҳар бир одамга хос бўлган генетик хусусият, пигментга боғлиқ. Соч толасининг хиралашishi, оқаришига ёш, асабий зўриқишлар ва ноқулай экология каби омиллар сабаб бўлади. Даставвал оқ танли ирқ вакилларидан сочининг рангидаги ўзгаришлар кузатила бошлайди, қора танлиларда эса бу ҳолат бирмунча кечроқ кузатилади. Ҳиндулар бу борада "оғир карвондирлар" — уларда ёш 70га етганида сочининг оқариши табиий ҳол саналади.

Деярли барча оқсиллар таркибий қисми бўлмиш тирозин моддасининг етишмаслиги сочни эрта қаратади. Шу сабабли ҳам оқсилга бой таомлардан парҳез қилувчиларда сочга эрта "қиров" тушади. Бундан ташқари, асаб ва эндокрин тизимларининг бузилиши, организмнинг витаминлар билан таъминланишидаги етишмовчиликлар ва мис моддасининг камайиб кетиши ҳам оқоридаги ҳолатга сабабчи бўлади.



КИМ КЎП КАЛОРИЯ САРФЛАЙДИ?

Жонли табиатдаги энергия алмашинувида доир барча рекордлар, шубҳасиз, кичик қушлар, масалан, ўзимизга яхши таниш чумчуқ ва читтакларга тегишли, десак муболаға бўлмайди. 20-30 грамм вазни қушлар бир соатда 1 ккал энергия сарфлайди. Бир суткада бу 25 килокалорияни ташқил этади. Агарда одамлар ҳам ана шундай юқори алмашинув хусусиятига эга бўлганида ақл бовар қилмас қудратга эга бўларди.

Ўз вазнимизга нисбатан биз ҳам шунча кўп энергия сарфлай олганимизда бир суткада 420 килограмм оғирликдаги юкни 80 минг маротаба 1 метр баландликка қўтариб тушира олардик.

BO'SH VAQTLARDA


ЭНИГА:

1. Атоқли адиб, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. 5. Кавказнинг машхур маъданли булоқ суви. 6. Санкт-Петербургдаги дунёга таниқли музей. 9. Кимёвий суюқлик. 10. АҚШдаги шаҳар. 11. Сурхондарёдаги тоғ. 14. Мамлакатимиздаги автомобилсозлар шаҳри. 16. Сурункали бўғим касаллиги. 17. Ақлли қиз. 19. Хат-савод чиқарувчи дастлабки ўқув дарслиги. 20. Ўзбек шоири Бобораҳим ... 24. "Келинлар кўзголони"даги "шумтака". 25. Ёғочбоп дарахт тури. 26. Соқин, тинч. 29. Мамлакатимиздаги сиёсий партиялардан бири. 30. Россиядаги кўл. 31. Адабий йўналиш. 33. Самарқанд вилоятидаги туман. 34. Махмурнинг машхур шеъри. 35. Ёзувчи аёл, қиз болалар исми.

БЎЙИГА:

1. Қимматбаҳо тош. 2. Денгиз. 3. Рухсат. 4. Кулолчилик буюмлари билан доврақ қозонган Фарғонадаги маскан. 5. Тўн, чопон. 7. ... Африка Республикаси. 8. Бино. 12. Галапагос оролларида яшовчи машхур жонивор. 13. Қозогистондаги шаҳар. 14. Эълоннинг бир тури. 15. Ипақдан тўқилган мато. 17. АҚШдаги штат. 18. Сув йирткичи. 21. Араб мамлакатларидан бирининг пойтахти. 22. Давлат рамзларидан бири. 23. Наврўз таоми. 27. Нон, сомса ёпиладиган қурилма. 28. Жиззах вилоятидаги тоғли туман. 31. Таҳлил учун намуна олиш. 32. От-улов.

КРОССВОРД



Тузувчи: Умида ИСМОИЛОВА

Интернет-хизматлар (ru — Интернет-услуги, en — Internet-services) — Интернет каналлари бўйича маълумотларни узатиш ёки қабул қилиш йўли билан амалга оширилаётган хизматлар.

Хостинг интернет хизматлари (ru — Интернет-услуги хостинга, en — hosting internet-service) — Хизмат истеъмолчисининг ахборот манбаига интернет фойдаланувчиларининг кира олишини тақдим қилиш бўйича интернет провайдерлари ҳаракати ёки фаолияти.

АЛОҚАЧИ
ЛУФАТИ

Электрон почта интернет-хизматлари (ru — Интернет-услуги электронной почты, en — electronic mail Internet services) — Хизмат истеъмолчисига манзилни ва бу манзилга маълумотларни қабул қилишни ўзлаштириш, шунингдек, хизмат истеъмолчиларига йўналтирилган ёки унинг манзили (адреси)га келган маълумотларни сақлаш ва жўнатиш бўйича ҳаракатлар ёки фаолият.

Электрон почта (ru — почта электронная, en — electronic mail, e-mail) — 1. Бир электрон почта қутисидан бошқасига хабарларни жўнатиш ёки уларни олишга имкон берувчи дастурий-техник воситалар тўплами.

2. Internet тармоғининг исталган абоненти билан электрон почта хабарларининг алмасуви.

3. Фойдаланувчидан фойдаланувчига, ЭХМ тармоқлари бўйича хабарларни жўнатишни, шунингдек, бу хабарларни ўқиш ва сақлашни таъминловчи сервис дастурлар тизими.

SALOMATLIK

НАЗМИЙ МУОЛАЖАЛАР

Сутга анжирни солиб, қайнатиб ичган замон, йўтал бўлсанг, йўталдан қолмагай зарра нишон.

Ҳар киши анжир тановул айласа кун-тун мудом, Кўксидан балғамни ҳайдаб, бартараф қилгай тамом

Ҳар кишиким, кўзига сурса пиёзнинг сувини, Шилпиғу, шапқурликдан асрагай доим уни.

Гар овози бўғилиб, кишининг тоби қочар, Турп сувида фарғара қилса уни дарҳол очар.

Ҳаддан ортиқ турп уруғини қилса истеъмол киши, Қичишур таниғу ўт олиб, ортажақтир ташвиши.

Лавлагини сувга солиб, қайнатиб, пора қилар, Сўнг суви бирла ювилса, сочини қора қилар.

Саримсоқни пишириб, турп уруғи бирла киши, Еса, буйрак тошидан бўлмас унинг ҳеч ташвиши.

Қайси аъзони совуқ урган бўлса мабодо, Сирқаю кашнич сувини суркаса яхши даво.

Кимнинг истиқо касалдан бўлса бағри лахта қон, Гар малахни қуритиб, туйиб еса, топгай омон.

Сувга томиз оху ўтин, сўнг уни нўш айлагин, Шу тариқа сен йўталдан сийнангни бўш айлагин.

Сен зигирни қуйдириб, дудига димоғингни тут, У тумовни йўқотар, дардинг қилур тезда нут.

Оху ўти бирла сен новватни қўш-зам айлагин Ичгину, ўздан йўтал дардини сен кам айлагин.

Ҳар киши захмат чекар бўлса йўталдан туну кун, От сутин ичсин, тузалгай соғлиғи бўлгай фузун.

Гар бинафша суви бирла ичса шакарни киши, Заҳмати сафро била бўлмас унинг асло иши.

Тайёрловчи: Абдухалил ҲОШИМОВ,
«ЎзАлоқКонсалтинг» МЧЖ ходими

"Kulgi.NET"

Икки дугона модлар дўконига кирди. Бири сотувчи йигит олдиға бориб, ундан кийим танлашга ёрдам сўради.

Сотувчи:

— Улчамингиз қанақа?

— Бўйим 170, оғирлигим 60, сочларим қора, 90-60-90...

Иккинчиси туртди:

— Анка, кўзингни оч, ICQда эмассан!!!

Буви жажжи набирасидан сўрапти:

— Ақиллашни нима ёқтиради?

— Кучукча.

— Тўппа-тўғри. Миёвллашни-чи?

— Мушукча.

— Офарин. Маърашннн-чи?

— Бузоқча.

— Ақллигинам. Хур-хурлашни нима ёқтиради?

— Касперский антивируси.



Эшик очилиб, хонага бир йигит чопиб кирди:

— Салом дадажон!

Компютер олдиға

ўтирган ота қайрилиб

ҳам қарамай сўради:

— Қаерда эдинг?

— Армияда эдим... Уч

йил хизмат қилдим!

— Уйдан чиқшдан

олдин қаерга боришни

айтиш керак!



Дастурчи олдиғаги тумбага ўзи учун иккита стакан қўйди. Биттасида сув бор — мабодо кечкурун сув ичишни истаса. Иккинчиси эса қуруқ — мабодо истамаса.

Ёш мутахассис хақердан сўради:

— Нега менинг интернетим ишламаяпти?

— Сенда Ти-Си-Пи-Ай-Пи (TCP-IP) турибдими?

— Албатта турибди! Номини нима дединг?

SPORT

BOXS

Руслан Чагаев:
ЖАНГГА ЮЗ
ФОИЗ
ТАЙЁРМАН

Эртага миллионлаб бокс мухлислари орзиқиб кутаётган жанг бўлиб ўтади. Суперогир вазн тоифасида WBA чемпиони Руслан Чагаев британиялик Мэтт Скелтонга қарши рингга кўтарилади.

Ушбу жангга Руслан ўз чемпионлик камарини биринчи бор ҳимоя қилади. Германиянинг Дюсселдорф шаҳрида ўтказилган матбуот анжуманида ҳамюртимиз баҳсга юз фоиз тайёр эканини билдирди.



YENGI ATLETIKA

РЕКОРДЧИ
ПЕКИН-2008га
ҚЎЙИЛМАЙДИ

Жанубий африкалик Оскар Писториус "ногирон" тушунчаси жисмоний камчилик эканлигини йўққа чиқарган инсон сифатида тарихга кирди. Болалигида унинг икки оёғи ампутация қилинган эди. Аммо АҚШда 3 минг долларга тайёрланган протезлар ёрдамида у нафақат юриб кетди, балки мусобақаларда жаҳоннинг энг кучли энгил атлетикачилари билан тенга-тенг беллаша бошлади.

Ўтган йилнинг ёзида у Римда бўлиб ўтган "Олтин лига" мусобақаларида 400 метрга югуриш бўйича 46,90 сония натижа билан иккинчи ўринни эгаллашга м у в а ф ш а қ бўлди. Писториус Пекин Олимпиадасида иштирок этишни орзу қилади. Аммо Халқаро энгил атлетика федерациялари ассоциацияси бу спортчига Олимпия ўйинларида иштирок этишни тақиқлади. Улар замонавий протезлар югурувчига соғлом спортчиларга нисбатан устунлик беради, деган фикрга келишган. Оскар эса бундай қарор чиқарилгани учун судга мурожаат қилиш ниятида.



FUTBOL

ТАРКИБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мураббийи Рауф Инилеев 2010 йилда ўтказиладиган Жаҳон Чемпионатининг 3-саралаш босқичида иштирок этиши мумкин бўлган 26 футболчи номини эълон қилди.

Дарвозабонлар: Игнатий Нестеров, Темур Жўраев, Павел Бугало;
Ҳимоячилар: Асрор Алиқулов, Анвар Ғофуров, Хайрулла Каримов, Ислоҳ Иномов, Алексей Николаев, Анзур Исмоилов, Илҳом Суёнов;
Ярим ҳимоячилар: Азиз Ибрагимов, Вағиз Галиулин, Темур Копадзе, Азиз Ҳайдаров, Одил Аҳмедов, Виталий Денисов, Ренат Байрамов, Сервер Жепаров, Виктор Карпенко, Вячеслав Понаморёв;
Ҳужумчилар: Максим Шацких, Фарҳод Тожиев, Улуғбек Бақоев, Павел Соломин, Марат Бикмаев, Александр Гейнрих.

ЎЗБЕКИСТОН ОСИЁ
ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси 2007 йилнинг 17 октябридан 28 октябригача Бирлашган Араб Амирликларининг Абу Даби шаҳрида бўлиб ўтган саралаш баҳсларида «D» гуруҳида биринчи ўринни кўлга киритиб, Осие чемпионати финал босқичига йўл олишган эди. Яқинда Осие футбол конфедерацияси финал босқичига мезбонлик ҳуқуқи расман Тошкент шаҳрига топширилгани эълон қилди. Ушбу нуфузли турнир 2008 йилнинг 4-19 октябр кунлари МХСК ва ЖАР майдонларида ўтказилиши кутилмоқда.

Осие чемпионатида 16та жамоа иштирок этади. Мусобақанинг қуръа ташлаш маросими 2008 йилнинг 1 апрел куни Тошкентда бўлиб ўтади.

Ўзбекистонда бўладиган ОФК U-16 чемпионатида юқори тўрт ўринни эгаллаган терма жамоалар 2009 йилда бўладиган ФИФА U-17 Жаҳон Чемпионати финал қисмида қатнашиш ҳуқуқини кўлга киритади.

"ТРАКТОР" ВА "ТЎПАЛАНГ"
ОЛИЙ ЛИГАДАН ЧЕТЛАТИЛДИ

Ўзбекистон футбол федерацияси ижроия кўмитаси бюросининг қарорига кўра, профессионал футбол клубларининг молиявий аҳволи уларнинг инфратузилмалари бўйича талабларга жавоб бермагани, молиялаштириш даражасининг жуда пастлиги ва сустр қитисодий кўрсаткич туфайли "Трактор" (Тошкент) ва "Тўпаланг" (Сариосие) жамоалари 2008 йилги Ўзбекистон чемпионати иштирокчилари сафидан чиқарилиб, биринчи лигага туширилди.

Ушбу жамоалар ўрнига спорт тамойиллари, барқарор молиявий салоҳиятнинг мавжуд эканлиги ҳамда 3 миллиард сўмлик бюджетга эга бўлиши ҳақидаги Ўзбекистон Футбол Федерацияси кўйган талабларга жавоб бера олган "Металлург" (Бекобод, Тошкент вилояти) ва ОТМК (Олмалик, Тошкент вилояти) клублари 2008 йилги Ўзбекистон чемпионати Олий лигаси иштирокчиларига айланишиди.

FUTZAL

ТЕРМА ЖАМОАДА
ЯНГИ БОШ МУРАББИЙ

Хозирда «Учкудук» клуби сардори сифатида тўп суриб келаётган Баҳодир Аҳмедов фўтзал бўйича Ўзбекистон терма жамоасининг бош мураббийи этиб тайинланди.

Мураббийлик фаолиятини бирданига терма жамоадан бошлаш ноодатий ҳол, албатта. Шундай бўлсада, тажрибали фўтзалчимиз Баҳодир Аҳмедовга Осие чемпионатида муваффақиятли қатнашиш ҳамда Жаҳон чемпионатига йўланмани кўлга киритиш вазифаси топширилган.

Янги бош мураббий фўтзалдаги фаолиятини «Солиқчи» жамоасида бошлаган. У бу клубда Ўзбекистон чемпионати бронза медали ва Ўзбекистон кубоги соҳиби бўлган. 2004 йилда «АРДУС»га ўтиши билан жамоанинг юрагига айланди. Айнан унинг меҳнатлари эвазига «АРДУС» Ўзбекистон чемпионатининг 3 карра чемпиолигига, икки бор Ўзбекистон кубоги соҳиби ва Осие чемпионлар лигасининг финалчиси деган номга сазовор бўлган.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир:
Абдусалд КЎЧИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Бахтиёр КУБЕЕВ
Шомансур ОБИДХЎЖАЕВ
Миродил САНГИЛОВ
Шухрат СОДИҚОВ
Лутфилло ТУРСУНОВ
(масъул котиб)
Асаджон ХЎЖАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Содиқжон ҚОСИМОВ

Газета
Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 0016 рақами билан рўйхатга олинган.

МАНЗИЛИМИЗ:

100060, Тошкент-60,
Т. Шевченко кўчаси, 17-уй.
Тел.: 233-36-48; 136-35-29.
Факс: 136-36-42.
E-mail: orif@infonet.uz

Таҳририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари таҳрират фикридан фарқланishi мумкин.

Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал — Реклама матнларининг тўғрилик-тига таҳрират жавобгар эмас.

Рақам ва далилларнинг ҳаққонийлиги учун мақола муаллифи масъулдир.

Газетани тайёрлашда Интернет материалларини ҳам фойдаланилди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

54-G сонли буюртма.
Офсет усулида босилди.
Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ.
Алали: 14528 нуска.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.
Матн теруви: Диффуза МАТҚУРБОНОВА.

Ахборот ҳамкорими:
UZINFOCOM маркази.

Босишга топширилди — 20.00.
Босишга топширилиш вақти — 20.00.
1 2 3 4 5 6 - 8

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Тошкент ахборот технологиялари университети Фаргона филиали жамоаси филиал директори, профессор Р.Тешабоевга ўғли
Азаматжоннинг бевақт вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик изҳор этади.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг Фаргона филиали директори Р.Тешабоевга ўғли
Азаматжоннинг бевақт вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

"Бухоро Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси жамоалари Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси DTS-3100 станцияси етакчи муҳандиси
Ибод ИСМОИЛОВнинг бевақт вафот этганиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чўқур таъзия билдиради.

Саккиз юзинчи учрашув

Бугун "Xabar" газетасининг 800-сони нашрдан чикди.

Тандирдан иссиққина узилган ноннинг мазасини, ёқимли ҳидини барчамиз яхши биламиз. Унинг танамизга қанчалик озиқ беришини, қанчалик кўп истеъмол қилсак ҳам кўнглимизга урмаслигини доимо ҳис қилиб турамыз. Рухимизга маънавий озиқ берадиган матбуот нашрлари, айниқса, газетани ҳаммамиз учун қадрли бўлган нонга менгаш мумкин. Ҳозирги ахборот глобаллашуви тобора шиддатли тус олаётган пайтда ахборотга бўлган талаб, эҳтиёж ҳам кучайпти. Шунинг учун ҳам барча нашрлар ўзининг доимий ўқувчисини топиш йўлида тинмай изланмоқда. Жумладан, "Xabar" ҳам.

Мана 16 йилдирки, "Xabar" ўз ўқувчилари билан самимий суҳбатдош, ҳамдард, қувончига шерик бўлиб келмоқда. Ўтган йиллар мобайнида газета шаклланиш йўлларини босиб ўтди. Унинг қиёфаси, кўриниши ўзгарди. Охиригича йилдан буён газетамиз 16 саҳифада, рангли тарзда ўз ўқувчилари кўлига етиб бормоқда. Алоқа ва ахборотлаштириш соҳасининг турли тармоқларини ёритадиган алоҳида саҳифалар, рунлар ташкил қилинди. Уларда ахборот-коммуникация технологиялари мавзусидаги мақолалар, шу соҳага ихтисослашган чет эл компаниялари ҳақидаги материаллар, энг сўнги маълумотлар мунтазам бериб борилмоқда. Алоқа корхона, ташкилот ва муассасаларида ўтказилаётган турли тадбирларни тезкор ёритишга, соҳа фидойилари ҳақида мақолалар беришга алоҳида эътибор қаратилляпти. Ўз навбатида, мамлакатимиз микёсида амалга оширилаётган ислохотлар, халқаро тадбирлар, бунёдкорлик ишларини ҳам қаламга олиб, ўқувчиларимизга етказиш пайида бўлялмиз. Мавзулар доирасини кенгроқ олишга интилаётганимиз ўз самараларини кўрсатяпти. Буни 2008 йилги обуна мисолида ҳам кўриш мумкин.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган жадвалда акс этганидек, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, Фар-



она, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятларида обуна сони мингдан ошди. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Наманган, Жиззах вилоятларида ҳам обунчиларимиз ўтган йилгига нисбатан бирмунча кўпайди. Ҳар йилгидек, бу йил ҳам Тошкент ахборот технологиялари университетига "Xabar"га обуна айниқса уюшқоқлик билан ўтказилди. 2008 йил учун обуна ишларини ташкил қилишда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, ҳудудий бошқармалар, "Ўзбектелеком" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ, "Матбуот тарқатувчи" АК ва уларнинг жойлардаги таркибий бўлинмалари раҳбарларининг меҳнатлари катта бўлди. Умид қиламизки, йилнинг иккинчи ярми учун ҳам обуна уюштиришда улар шахсий ташаббус ва куч-ғайратларини аямайдилар.

Азиз ўқувчилар!
"Xabar" — Сизнинг газетангиз. Унинг янада қизиқарли, ўқишли бўлиши Сизга боғлиқ. Бунинг учун ўз таклиф ва истақларингиз, ҳамкасбларингиз фаолиятидаги ютуқлар, Сизни ўйлантираётган фикрлар ҳақида ёзиб, тахририятимизга йўллашингиз мумкин. Биз ҳаммиса Сиз билан фикрлашишга, суҳбат қуришга, мулоқот қилишга интизомиз.

Азиз муштарийлар!
Ушбу йилда алоқа ва ахборотлаштиришдаги энг сўнги янгиликлар, ўзгаришлар, корхона ва ташкилотлар фаолияти, соҳа фидойилари ҳаётдан бохабар қилиб бориш билан бирга, жаҳон ва мамлакатимиз адилларининг энг сара асарлари, саргузашт-детективлари, маданий-маърифий мавзудаги мақолалар, фойдали маслаҳатлар, бошқотирма, барча теледастурлар билан таништириб боришни ният қилганимиз. Албатта, йил давомида Сиз бизни кўллаб-қувватлаб турасиз, турли сабаблар билан обуна бўлишга улгура олмаган ҳамкасбингиз, дўсту биродарларингизни "Xabar"га обуна бўлишга қорлайсиз, деган ниятдамыз. Эслатиб ўтамиз, газетамизга обуна йил бўйи давом этади.

Мана, қўлингизда, "Xabar" -нинг 800-сони!
У Сизга, ҳаммамизга, барчамизга кутлуг бўлсин!
Сиз билан газетамизнинг мингинчи, ўн мингинчи сонларида ҳам дийдорлашиш насиб этсин, дея ният қиламиз.

Тахририят

"Xabar" газетасига 2008 йил учун расмийлаштирилган обуна бўйича маълумот

Вилоятлар ва Тошкент шаҳри	январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
1 Тошкент шаҳри	3651	3468	3468	2656	2656	2351	897	893	893	893	892	892
2 Қорақалпоғистон Республикаси	1698	1698	1698	1616	1616	1616	1035	1035	1035	1034	1034	1034
3 Фарғона	1366	1310	1302	928	928	928	219	219	219	219	219	219
4 Андижон	1027	1027	1027	966	966	966	449	449	449	448	448	448
5 Қашқадарё	1019	1018	946	396	396	379	182	182	182	182	182	182
6 Сурхондарё	1011	984	984	929	929	929	139	139	139	139	139	139
7 Самарқанд	763	761	755	523	521	521	166	166	165	165	165	165
8 Тошкент	745	740	732	447	446	446	238	239	239	238	238	238
9 Бухоро	621	621	619	468	468	468	334	334	334	334	334	334
10 Хоразм	600	579	534	414	412	411	200	198	195	191	188	188
11 Наманган	435	435	393	273	273	273	171	171	171	171	171	171
12 Жиззах	407	407	407	317	317	317	205	205	205	205	205	205
13 Сирдарё	374	370	370	306	306	306	40	40	40	40	40	40
14 Навоий	313	313	313	269	269	269	243	243	243	243	243	243
ҲАМИ	14030	13731	13548	10508	10503	10180	4518	4513	4509	4502	4498	4498

Ушбу жадвалдаги маълумотлар "Матбуот тарқатувчи" АК, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ "Тошкент почтамати" филиали ва "INTER-PRESS" МЧЖ томонидан тақдим этилган.

2001 йилда чиқарилган ПОЧТА МАРКАЛАРИ

423-431. "Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги ютуқлари" купонли почта маркалари туркуми. О.Андреевский дизайни.

Маркаларда Олимпия ўйинлари ва жаҳон чемпионатларида голибликни қўлга киритган Ўзбекистон спортчилари тасвирланган.


Маркалар бир неча рангда ишланган. Оқ силлиқ қоғозга офсет усулида босилган. Маркалар ўлчами 30x42 мм. Перфорацияси тароқсимон. Адади 20,0 минг нусха.



423. "Мухаммадқодир Абдуллаев" почта маркаси. Бокс. Ёзги Олимпия ўйинлари. Сидней. 2000 й. Олтин медал.



424. "Лина Черязова" почта маркаси. Фристайл. Қишки Олимпия ўйинлари. Лиллехаммер. 1994 й. Олтин медал.



425. "Артур Григорян" почта маркаси. Бокс. Профессионаллар ўртасида 16 карра жаҳон чемпиони.

Иқир-фикрлар

- Бошлигингга тўғри келадиган ўз мустақил фикринг бўлсин.
- Яхши суҳбат нафақат узоқ йўлни яқин қилади, балки иш вақтини ҳам қисқартиради.
- Баҳслашаётган икки одамнинг айбодори ақллироғидир.

Ҳошимжон ТОШМАТОВ
Фарғона вилояти

Табриклаймиз!

"Сурхондарё Телеком" филиали жамоаси филиал раҳбари ўринбосари Фаффор БЕРДИЕВ ҳамда алоқа соҳаси фахрийси, етакчи мутахассис Олимжон ЭШОҶОВларни таваллуд қилгани билан сиздиқилдан муборакбод этади. Уларга узоқ умр, сиздат-саломатлик тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Сурхондарё филиали жамоаси почта хавфсизлиги бўлими бошлиғи Шухрат НОРКУЛОВ ва шу бўлимининг етакчи мутахассисни Абдурашид ЮСУПОВларни таваллуд топган қунлари билан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ ва узоқ умр, ишларига ривож тилайди.

"ЎЗИ-Термиз" филиали жамоаси филиал директори Нормурод ХУДОЁЕРОВНИ туғилган кун билан самимий табриклайди. Унга оилавий бахт-саодат ҳамда хамроҳ бўлишини истаб қолади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Қашқадарё филиали Яққабог почта алоқаси тармоғи жамоаси тармоқининг обуна бўлими йўриқчиси Мухаммади КАРИМОВни кутлуг 50 ёшга тўлиши муносабати билан табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, оилавий хотиржамлик ва ишларида муваффақиятлар тилайди.

"Сирдарё Телеком" филиали ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси жамоалари Гулистон шаҳар телекоммуникациялар боғламининг катта электромонтёри Эркин ИСАБЕКОВни 50 ёшга тўлиши муносабати билан чин қалбдан табриклайди. Унга сиздат-саломатлик, оилавий бахт ва ишларида зафарлар тилайди.